

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

ТАШМЕТОВА АЗИЗА САГДУЛЛАЕВНА

**Инглиз ва ўзбек тилларида хохиш-истак маъносини
ифодаловчи лексик бирликларнинг миллий-маданий
хусусиятлари**

ДИССЕРТАЦИЯ

Филология магистри даражасини
олиш учун ёзилган

Мутахассислик - 5A120102
Лингвистика (инглиз тили)

Иш кўриб чиқилди
ва ҳимояга тавсия этилди.
Кафедра мудири, ф.ф.н., доцент
Галиева М.Р.

Илмий раҳбар
филология фанлари доктори
профессор Расулова М.И.

“ ” _____ 2014 йил

ТОШКЕНТ – 2014

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I боб: Тадқиқотнинг назарий асослари	
1.1. Масаланинг ўрганилиши тарихидан: муаммо, фикрлар, асосий Ҳолатлар.....	10
1.2. Хошии-истак маъносининг категориялаш муаммолари.....	15
1.3. Семантик майдон тушунчаси.....	20
1.4. Хошии-истак маъносини ифодаловчи лексик бирликларнинг майдон тарзида кўриниши.....	23
Биринчи бобга хулоса	31
2 боб: Хошии-истак маъносини билдирувчи лексик бирликларнинг структуравий-семантик ва функционал таҳлили	
2.1. Истак майли – хошии-истак категориясининг асоси.....	32
2.2. Хошии-истак категориясини ифода этишининг лексик усуллари.....	42
2.3. Хошии-истак категориясини ифодалашда паремиологик бирликлар.....	48
2.4. Хошии-истак категориясини ифодалашнинг синтактик усуллари.....	52
2.5. Хошии-истак маъносига эга бўлган лексик-семантик гуруҳлар.....	55
Иккинчи бобга хулоса	58
3 боб: Хошии-истак маъносини билдирувчи лексик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари	
3.1. Когнитив тилишуносликнинг асосий ҳолатлари.....	61
3.2. Лингвомаданиятишунослик – когнитив тилишуносликнинг бир тармоғи сифатида.....	66
3.3. Хошии-истак маъносини билдирувчи лексик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари.....	73
Учинчи бобга хулоса	84
Умумий хулоса	85
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	87

Кириш

Миллий истиқлол туфайли ижтимоий ҳаётда юз бераётган туб ўзгаришлар илм-фаннинг барча йўналишларида бўлганидек, тилшунослик соҳасида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Чунки "...биз аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини ошириш устида доимий ишлашимиз зарур" [Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 87].

Хар бир халқнинг тараққиётида ўзга халқлар билан алоқа қилишда тил муҳим ўрин эгаллайди. Тил кишилар ўртасидаги алоқа воситаси бўлиб қолмай, миллий маданиятни улкан самараси, халқлар маънавий ҳаёти ва кўп асрлик ривожининг кўзгуси ҳамдир.

Истиқлол туфайли "миллатимиз ўзбек, тилимиз ўзбек тили" деб баралла айта бошладик. Шу билан бирга жамиятимизда ўзбек тилининг тутган ўрни ва ролига қизиқиш, уни илмий тадқиқ қилиш, хорижий тиллар билан қиёслаб ўрганишга эътибор кучайди.

Хозирги вақтда давлатлар ўртасида иқтисодий, сиёсий, илмий ва маданий алоқалар кенг кўламда ривожланаётгани кузатилмоқда. Бу ҳолат нафақат тилшунослар, балки бошқа касб мутахассисларида ҳам хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқиш, интилиш, ва эҳтиёж кучайганлиги кузатилмоқда.

Олимлар, докторант, магистрант ва ўқувчи - талабалар, барча қизиқувчилар ҳамда ишбилармонларнинг инглиз тилини ўрганишга интилиши сўнги йилларда сезиларли даражада ортганлигини диққатдан четда қолдириб бўлмайди. Буларнинг барчаси тилни ўрганувчи фан - лингвистикада ҳам ўз аксини топди.

Мамлакатимизда ўтказилаётган таълим ва фан равнақига йўналтирилган ислохотлар бу соҳаларнинг юртимизда кўлга киритилган ютуқларни умумжаҳон фани ва таълими тараққиётининг прогрессив

махсуллар билан биргаликда қўлга киритиш имконини бермоқда. Таълим ва фан равнақининг олдига қўйилган вазифаларини амалга ошириш учун узлуксиз таълим тизимига асосланувчи кадрлар тайёрлаш миллий моделни рўёбга чиқаришга асосланган кадрлар тайёрлаш миллий дастур қабул қилинди.

Дастурни ташкил этувчи элементлардан бири хорижий тилларни ўрганиш билан боғлиқ. Таълим соҳасидаги вазифалардан бири миллий хусусиятларга асосланган хорижий тилларни тезкор ўрганиш методикасини яратишдир.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, илмий ҳамда маданий тараққиётининг ҳозирги босқичида юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни замон талаблари асосида тарбиялашдек масъулиятли ишда олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига катта ишонч билдирилмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари олдида қўйилган буюк вазифаларни ечишнинг асосий омили, уларни хал қилишнинг ягона шарти том маънодаги баркамол шахсни, ҳар томонлама етук авлодини тарбиялаб вояга етказишдан иборат. Бу вазифалар олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқитувчилари, шу жумладан филолог кадрларига ҳам тўлалигича тегишлидир. Муаммонинг энг асосийларидан бири бу ҳозирги даврда хорижий тилларни мукамал биладиган малакали мутахассислар тайёрлаш зарурияти тобора кенгайиб бормоқдалигидир. Ўзбекистон таълим тизими олдида жуда муҳим муаммо – умумтаълим мактабларида, ўрта ва олий ўқув юртларида ўқувчи ва талабаларга хорижий тил ўқитишда қўлланиладиган метод ва усулларни такомиллаштириш масаласи, янги типдаги дарсликлар, турли хил луғатлар яратилиши пайдо бўлди. Бу заруриятнинг вужудга келиш сабабларидан яна бири шундаки, ёшларнинг хорижий тилларни билиш даражаси мамлакатимизда мутахассисларнинг интеллектуал маънавий савиясининг шаклланишига, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан бўладиган маданий, иқтисодий ва сиёсий

муносабатларининг ривожланишига катта таъсир кўрсатишидадир. Шу сабабли кейинги пайтларда хорижий тилларни ўқитиш усулларини такомиллаштиришга, унинг сифатини оширишга қизиқиш кучайиб бормоқда.

Бу борада Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги *“Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”* ги қарори амалга оширилаётган кенг қуламли ишларда янги даврни бошлаб берди десак муболаға бўлмайди. Қабул қилинган қарор шу билан аҳамиятлики, унда чет тили таълими системасини такомиллаштиришнинг стратегияси, қолаверса асосий йўналишлари аниқ белгилаб берилди. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш учун биз, хорижий тилларни ўргатиш соҳасида фаол ишлаб келаётган ўқитувчиларлар мунтазам равишда изланишлар олиб боришимиз, ўз тажриба ва билимимизга таяниш билан бир қаторда, хориждаги манбаларга ҳам мурожаат этишимиз, ҳамда халқаро миқёсда тўпланган тажриба натижаларидан унумли фойдаланишимизга тўғри келади. Бу, айниқса, хорижий тил таълимининг узлуксизлигини таъминловчи давлат стандартлари, янги ўқув режалари, дастурлар, ҳамда дарсликлар, турли типдаги луғатлар ва бошқа турдаги ўқув материалларини тайёрлашда муҳимдир.

Хорижий тилларни ўрганишда бир вақтнинг ўзида ақл, тафаккур, хаёл, хотира ва сўз билиш қобилияти ривожлантирилади, чунки айтилган фикрни чуқур тушунишга эмас, балки ўша фикрни ўз она тилида мукамал ва тўғри ифодалай билиш кўникмалари ҳам талаб этилади. Бунга эса фақат иккала – ўзбек ва хорижий тил материалларини қиёсий-типологик таҳлил қилиш орқалигина эришиш мумкин. Масалан, инглиз тилида мавжуд лексик-семантик ҳодисаларни иккала қариндош бўлмаган тилларда қиёслаш ёки тиллар ва уларнинг яруслараро типологик категорияларнинг ифодаланиш усулларини солиштириш каби масалаларни ўрганиш маъқул бўлади. Бундай типологик қиёслаш натижасида хорижий тил материалларигина эмас, балки она тили материаллари ҳам онгли равишда ўрганилади ҳамда чуқурлаштирилади.

Ушбу нуқтаи назардан лингвистик категорияларнинг турли тиллар ва уларнинг яруслариаро лексик бирликларнинг ономасиологик йўл билан ифодаланиш усуллариини ўрганишга катта аҳамият берилмоқда.

Фикримизча, ҳар қандай тилнинг лексик таркиби кўриб чиқиладиганида, биринчи ўринда алоҳида олинган сўз ёки турли эркин ва турғун сўз бирликларнинг ўзига хос типологик хусусиятларини ўрганиш қўйилади. Бунда тадқиқот турли системаларга мансуб тилларда (масалан, инглиз ва ўзбек, инглиз ва рус) типологик категориялар мисолида яруслариаро ифодаланиш усуллари ёритишга бағишланса, айнан танланган семаник гуруҳнинг турли сўз туркумларига мансуб туб, ясама, содда ва қўшма сўзлар, ҳамда эркин ва турғун сўз бирикмалар билан ифодаланиши аниқланиб, тилнинг семантик тизимига нисбатан аниқ хулосалар чиқариш имкониятини беради. Шу билан бир қаторда таҳлил жараёнида танланган лексик бирликларнинг когнитив, миллий-маданий хусусиятлари, ҳамда гендер лингвистикаси нуқтаи назаридан қилинган хулосаларга келиш ҳам мумкин.

Шу йўсинда бажариладиган қиёсий таҳлил хорижий тилларни ўрганувчилари учун, сўзсиз, яна бир қулайлик яратади. Яъни, танланган лексик-семантик гуруҳга мансуб барча йиғилган бирликларни тизимлаштириб таклиф қилинган ёндошув натижасида лексик-семантик луғат (тезаурус) яратилса, тил ўрганувчиларнинг оғзаки нутқини ривожлантириш учун жуда ҳам яхши имконият пайдо бўлади. Сабаби, танланган лексик-семантик гуруҳ учун ишлатиладиган барча лексик бирликлар бир жойга йиғилади.

Шундай қилиб, танланган мавзунинг долзарблиги замонавий тилшуносликда категориал тушунчаларга нисбатан уларнинг турли қатламларда ифода этилиши нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ўрганишга бўлган қизиқишнинг ошганлигидадир. Бошқача талқинда мазкур диссертациянинг *долзарблиги* ҳозирги инглиз ва ўзбек тилларидаги хоҳиш категориясини ифода этувчи лексик бирликларнинг комплекс тарзда, яъни функционал-семантик, когнитив, концептуал хусусиятларини ўрганиш билан

белгиланади. Хоҳиш маъно типологик категориялар сирасига мансуб бўлиб бошқа тиллардаги каби қиёсланаётган тилларда ҳам турли воситаларда ўз ифодасини топади.

Масаланинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз ва хориж тилшунослигида хоҳиш категорияси масаласи мураккаб ва кам ўрганилган жабҳалардандир. Инглиз тилидаги хоҳиш категориясининг фақатгина баъзи ҳислатлари лингвистик адабиётларда ўз ифодасини топган.

Инглиз тилидаги хоҳиш маъносининг ифода воситалари масалаларини А.Абдурозиқов, И.Хлебникова, Н.И.Уварова, Е.А.Натанзон ва бошқалар ўрганган.

Ғарб тилшуносларидан А.Берк, Х.Фовлер, О.Есперсен, Г.Валленс ва бошқа бир қатор лингвистлар хоҳиш категориясини ифодалаш масаласига оид баъзи аспектларни ўрганганлар.

Ушбу тадқиқотда инглиз тилидаги хоҳиш категориясини ифода этувчи тилнинг турли қатламларига оид воситаларини аниқлаш ва тадқиқ этишга ҳаракат қилинди.

Б.Л.Уорфнинг фикрича тил оламни категорияларга бўлинади. Бу ғоя ўзининг содда кўринишга эканлиги билан бирга тилшунослик тараққиётининг замонавий босқичида қўшимча мазмунга эга бўлади. Зеро, кенг маънода тилни ўрганиш жараёнини тилда ўз ифодасини топган категорияларни тадқиқ этиш сифатида белгилаш мумкин.

Тадқиқотнинг **мақсади** хоҳиш категориясини ифода этишнинг турли қатламлараро воситаларини аниқлаш ва таҳлил қилишдир.

Кўрсатиб ўтилган мақсадга эришиш қуйидаги **вазифаларни** амалга ошириш билан боғлиқ:

- инглиз тилида хоҳиш категориясини ифодалашнинг турли қатламларга оид воситаларини аниқлаш;
- ушбу воситаларнинг хусусиятларини ва табиатини аниқлаш;
- хоҳиш маъносини имплицит ва эксплицит тарзда ифодаловчи воситаларнинг хусусиятларини ва уларнинг ўртасидаги боғлиқликни

аниқлаш.

- хоҳиш-истак категорияси концепт сифатида талқин қилинишини ўрганиш;
- хоҳиш-истак концептининг қиёсланаётган тиллар таркибида лингвомаданий хусусиятларини аниқлаш

Тадқиқотнинг вазифалари иш жараёнида турли методлардан фойдаланишни тақозо этади. Тадқиқотнинг бош **методи** бўлиб мавжуд тил материални функционал-семантик таҳлил этиш методи хизмат қилди. Зарурат юзасидан дескриптив метод, моделлаштириш ва диахроник, қиёсий-типологик таҳлиллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг **илмий янгилиги** биринчи навбатда мазкур масаланинг тадқиқот марказига қўйилиши билан белгиланади. Ушбу диссертация ўзининг тадқиқот объектига кўра инглиз тилидаги хоҳиш-истак категориясини фойдаланилишининг турли қатламларига оид воситаларини ўрганишга ҳамда уларнинг концептуал таҳлил асосида миллий-маданий хусусиятларини аниқлашга қаратилган илк монографик тадқиқотдир.

Тадқиқот жараёнида кенг қамровли тил materiali, хусусан хоҳиш маъносига эга турли лексик-грамматик разрядларга оид сўзлардан келиб чиқилди. Материал ўз ичига лексикографик манбалар, инглиз ва америкалик ёзувчиларининг бадиий, публицистик, илмий-техник асарларидан танлаб олинган мисол ва намуналарни қамраб олади.

Диссертацияда тадқиқ этилган масала маълум **назарий аҳамиятга** эга, зеро, тадқиқотнинг ўзи ҳар бир босқичида тизимли ёндашувга асосланади; хоҳиш-истак категориясининг категориал хусусиятлари аниқланган. Ва ниҳоят танланган лексик birlikларнинг ҳар иккала қиёсланаётган тилларда сўзлашувчи халқларнинг маданияти, урф-одати, анъаналари, байрамлари каби улушлардан келиб чиқаётган миллий-маданий хусусиятларини аниқлаш катта назарий аҳамиятга эга. Аниқлаш жараёнида қўлланилган услублар шу каби маъноларни ўрганишда замин сифатида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижалари замонавий тилшуносликнинг таржима назарияси, хорижий тилларни ўқитиш методикаси, назарий ва амалий

грамматика каби бир қатор соҳалари учун қизиқиш уйғотади.

Тадқиқотнинг *амалий аҳамияти* ундаги таҳлил натижалари ва хулосалари инглиз ва бошқа тилларни қиёсий-типологик ўрганишда қўлланилиши мумкин. Тадқиқот натижалари таржима назарияси, хорижий тилларни ўқитиш методикаси учун ҳам амалий жихатдан муҳимдир.

Диссертациянинг таркиби. Диссертация кириш қисми, уч боб ва хулосадан ташкил топган. Диссертация сўнгида фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилади.

Кириш қисмида мавзунинг танланиши асоси, унинг долзарблиги ёритилади, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланади, тадқиқот методлари аниқланади.

Биринчи бобда хоҳиш-истак категориясининг структуравий хусусиятлари тадқиқ этилади.

Иккинчи боб хоҳиш-истак маъносига эга бўлган қиёсланаётган тилдаги ифода воситаларининг функционал-семантик таҳлилига бағишланган.

Учинчи боб хоҳиш-истак концептининг концептуал таҳлил натижасида миллий-маданий хусусиятларини аниқлаш билан белгиланади.

Хулоса қисмида тадқиқот натижалари умумлаштирилади, асосий хулосалар шакллантирилади.

I-боб. Тадқиқотнинг назарий асослари

1.1. Масаланинг ўрганилиш тарихидан: муаммо, фикрлар, асосий ҳолатлар

Хоҳиш-истак сўзловчи ёки гап субъектининг борлиқни амалга оширишга қаратилган турли даражада хиссий бўялган интилишидир. Шунинг назарда тутиш керакки, ушбу таърифдаги борлиқ келаси, ҳозирги ёки ўтган замонларнинг' ҳар қайсинисига тегишли бўлиши мумкин.

Биз томондан инглиз тилидаги хоҳиш-истак категориясининг тадқиқ этиш предмети сифатида танланишига нафақат ушбу масаланинг етарли даражада ўрганилмаганлик ҳолати, балки ушбу категорияда морфологик, синтактик, лексик ва талаффуз орқали ифода этиш воситаларининг мавжудлиги ва уларнинг ўзаро мустаҳкам алоқада бўлиши ҳам сабаб бўлиб хизмат қилди. Ушбу категорияни ўрганишга оид бажарилган лингвистик тадқиқотларни таҳлил этар эканмиз, маълум тилшунос олимларнинг мулоҳазалари биз учун ғоят катта қизиқиш касб этади. Хусусан, ҳинд-европа тиллари оиласига инглиз тили билан бир қаторда кирувчи немис тилидаги хоҳиш категориясининг хусусиятларини ўрганар экан, Е.В.Гулыга бу категориянинг Карл Бюлер томонидан таклиф этилган ва кейинроқ Н.С.Трубецкой томонидан қабул қилинган тилнинг уч функцияси билан ўзаро яқин алоқада эканлигига эътиборини қаратади. Хоҳиш категориясининг ўзига ҳос хусусияти унинг уч функция (ифода, мурожаат, ундаш)нинг ҳар бирини амалга ошириш қобилятидан иборатдир.

Хоҳиш категорияси Е.В.Гулыга таҳлил қилган немис тилидаги каби инглиз тилида ҳам грамматик ва лексик воситаларнинг яхлит тизими орқали ўз ифодасини топади. Ушбу воситалар икки усулда жамланиши мумкин:

1) синтактик структуралар, бунда феъл шакллари (конъюнктив, императив, инфинитив) интонацион ва баъзида лексик- грамматик воситалар билан уйғунликда фаолият юритади; ушбу синтактик структураларни тўлдирувчи лексика хоҳиш категориясини аниқлаштиради;

2) *"want, desire"* доминантларига эга бўлган "хоҳиш" тематик каторининг лексик бирликлари ва турли гапларда иштирок этувчи ва бирикувчанлиги, гаптаги мақоми ва морфологик шаклларига боғлиқ равишда мосланувчи *"might, must"* модал феъллари; феълларнинг синсемантик хусусиятлари хоҳиш объектини аниқлаштирувчи лексика ёрдамида ифодаланади.

Сўзловчи синтактик структураларни ифода ва мурожаат функциялари устувор бўлган ҳолларда ишга солади. Хоҳиш сўзловчидан чиқиб тингловчига, бошқа шахсга (предметга) ёки сўзловчининг ўзига қаратилган бўлади. Шу билан бирга синтактик структуралар, Е.В.Гулыганинг фикрича, ундашни ҳам ифодалаши мумкин. Мурожаат ва ундаш маъноларининг бири-бирига яқинлигини Карл Бругманнинг мулоҳазаларида учратиш мумкин. Унинг фикрича тингловчи учун хоҳиш ва ундаш ўртасидаги чегара кўп ҳолларда аниқ бўлмайди. Ҳар қандай ундашда хоҳиш мавжуд ва бу хоҳишнинг тингловчи томонидан бажарилиши учун унга талаб ёки илтимос қўшилади. Хоҳиш гапларда ундашни ифодалаш жараёнидаги тингловчига қаратилганлик факультативдир.

Мамлакатимиз тилшуносларидан А. Абдурозиқов инглиз тилидаги *let* феъли билан ясалган ибораларнинг табиати, функциялари ва семантикасини таҳлил этар экан, ушбу феъл ёрдамида ясалган императив аналитик конструкциялар "ундаш" умумий семага эга эканлигига диққатини қаратади. У Г.Н.Воронцова, Г.Г.Почепцов ва бошқа тилшуносларнинг фикрини ривожлантириб императивнинг умумкатегориал маъносига "сўзловчининг хоҳиши" маъносини ундашнинг кўринишларидан бири сифатида киритишни ёқлайди. *"let everyone else do it", "let it be as you say"* каби учинчи шахс қатнашган ибораларни таҳлил қилиш натижасида А.Абдурозиқов ундашнинг семантик жихатдан фарқли икки варианты: хоҳиш ва ихтиёрийликни аниқлади. Бунда биринчи вариант сўзловчининг ўзи маълум иш-харакатининг амалга оширилишидан манфаатдор бўлишини назарда тутса, иккинчи вариантда сўзловчи иш-харакат натижасига бефарқ қолади.

В.Хомяков хоҳиш маъносига эга инглиз тилининг ностандарт луғат таркибини таҳлил этиб *Hollywooditis*, *ain't-supposed-to-do-it-itis*, *crosswordpuzzleitis* каби оғзаки нутқ махсулларининг семантикасини ўрганади. Аксарият касалликларнинг лотин тилидаги номларининг қўшимчаси бўлмиш *"itis"* суффикси хоҳиш, истак енгиб бўлмас даражада кучайганлигини кўрсатиш учун хоҳиш объекти номига қўшилади. Хусусан, *Hollywooditis* - "кинематография соҳасига кириб боришга интилиш", *ain't-supposed-to-do-it-itis* — "маъсулиятни зиммасидан олиб ташлашга бўлган мойиллик", *crosswordpuzzleitis* - "бошқотирмалар ечишга нисбатан хоҳиш" маъноларига эга.

Н.Р.Уварова инглиз тилидаги равишларни сўзловчи коммуникатив иродасини ифода этишдаги ролини ўрганиш жараёнида *already*, *still*, *yet* каби коррелятлар вазият ўзгариши ёки сақланиб қолиши натижасида коммуникантларнинг хис-ҳаяжон ҳолатини қисман очиши, яъни маълум хис-ҳаяжонли, прагматик маълумотни алмашишда қатнашишини аниқлади. Мисол тариқасида келтириладики, *still* равишида яширинган "келажакдаги ўзгариш" маъноси билан "кутиш" прагматик маъноси боғлиқ бўлиши мумкин. Бунда сўзловчи ўзгаришни интизорлик билан кутади, у содир бўлишини хоҳлайди: *But he was still a junior and many younger men then he had already taken silk*. Н.Р.Уварова фойдаланган С.Моэмнинг *Painted Veil* романидан келтирилган парчадаги *He was still a junior* иборасини тадқиқотчи асар қаҳрамони Гарстин хоним ўз турмуш ўртоғидан интизорлик билан кутаётган ҳаракатни номловчи *He had not yet applied for silk* ибораси билан алмаштириш мумкинлигини илгари суради.

Н.А.Кобрина тушунча категориялари ва уларнинг тилдаги ифодасини ўрганади экан И.И.Мевданиновнинг тушунча категориялари тўғрисидаги фикрларига асосланади. Яъни, фақатгина тил қатламларида ўз ифодасини топган категориягина тушунча категорияси бўла олиши мумкин. Тил қатламларидаги ифодаси дейилганда ушбу категориянинг лексик, морфологик ёки синтактик тизимдаги ифодаланиши назарда тутилади.

Инглиз тилидаги истак категориясининг синтактик тизимдаги ифодаси тўғрисида фикр юритганда биринчи навбатда истак майлининг ушбу категорияни ифода этиш хусусиятлари мисол тариқасида келтириш мумкин. Инглиз тили грамматикасига бағишланган ҳар қандай дарсликда истак майли иш-ҳаракатнинг мавҳум, муҳим ва муаммоли эканлиги билан бирга хоҳланган, исталган, кутилганлик хусусиятини ифодалаши таърифланади. Ушбу масалани ўрганиб Е.А.Натанзон инглиз тилидаги истак майли (subjunctive mood) нинг 4 гуруҳдаги шакллари келтиради ва улардан фақатгина Subjunctive-II хоҳиш, тилак, истакни ифодалашини асослаб беришга ҳаракат қилади.

Истак майлини ўрганишга улкан ҳисса қўшган тилшунослардан бири И.Б.Хлебникова истак майлининг семантик жихатлари, хусусан хоҳиш, истакни ифода этиш хусусиятларини чуқур таҳлил этиш натижасида ҳозирги инглиз тилидаги истак майли ўзининг грамматик мазмуни нуқтаи-назаридан таҳминли, имконли иш-ҳаракатни (бунда мавҳумлик, ишончсизлик руҳида) ифода этиш тор жабҳаси сабабли чегараланиб қолган деган фикрни ривожлантиради.

Ғарб тилшунослари истак майлининг инглиз тили ривожланишидаги турли босқичларидаги ҳолатини таҳлил қилиш натижасида ушбу майл ҳозирги инглиз тилида тил ривожланишининг қадимги босқичидаги ҳолатига нисбатан кучсизлашиб, ифода этиш функцияси торайганлигини кўрсатадилар (О.Е. Сперсен, Л.Берк, Х.Фовлер ва бошқалар).

Л.Берк ҳозирги инглиз тилидаги истак майлининг уч турини фарқлайди:

1. мандатли истак майли (mandative subjunctive);
2. волиционал истак майли (volitional subjunctive);
3. қотган истак майли (formulaic subjunctive).

Биринчи турдаги истак майли талабни ифода этса (/ *suggest that he go. I insist that she come.*), иккинчи турдаги истак майли мавҳум, нореал тилакни ифодалайди (/ *wish I were a bird*). Сўнги турдаги истак майлига Л.Берк

сўзловчининг истаги, тилагини билдирувчи, инглиз тили ривожланишининг кадимги ва ўрта босқичларидан шаклан ўзгармай сақланган, асосан диний мазмундаги ибораларни киритади {*God bless you. The Lord make his face shine upon thee.*).

Юқорида тилга олинган тилшуносларнинг хоҳиш категориясини таҳлил қилишга бағишлаб олиб борилган тадқиқотларидан кўриниб турибдики ушбу категория инглиз тилининг лексик, морфологик в"а синтактик тизимларида ўз ифодасини топади. Бизнинг назаримизда келтирилган ушбу ҳолатларда борликқа нисбатан хоҳиш, истак ифодаланади. Зеро, биринчи келтирилган мисолда сўзловчи ўз ёшлигига қайта олмаслигини англасада, ўн беш ёшли ўспирин бўлишига нисбатан кучли хоҳишини билдиради. Мисол тариқасида келтирилган иккинчи гапда сўзловчи ўтмишидаги вазиятда гап объекти бўлган нусха маълум иш-харакатни амалга ошириши лозимлигига нисбатан истагини ифодалаган.

б) *it's (high) time* иборасидан сўнг, яъни айти вақтда мавжуд бўлмаган ҳолатни амалга ошириш мавлуди келди: *It's time we ordered dinner.*

1.2. *Хоҳиш-истак маъносининг категориялаш муаммолари*

И.И.Мешчаниновнинг фикрига кўра, мантиқ ва фалсафадаги ҳар қандай тушунча ҳам тушунча категорияси бўла олмайди. Тушунча категорияси мақомига эга бўлиш учун ана шу тушунча ўз ифодасини тил тизимида, аниқроқ қилиб айтганда тилнинг морфологик, лексик ва синтактик қатламларида топиши зарур. Тилшунос тушунча категорияларига тилда ўз аксини топган мавжуд онгнинг нормалари сифатида таърифлайди. Бу нормалар тил тизимида унинг воситалари ёрдамида, тилнинг моддий қисмида берилиши ва синтаксис, морфология ва лексикадаги воситалар тизимини ташкил этганлиги учун бу тушунча категориялари бир яхлит тизимни ташкил этувчи тушунча категориялари тил тушунча категориялари бўлади.

Хоҳиш категориясини таҳлил мавзуси сифатида танлашимизга сабаб бўлиб ушбу категориянинг тилнинг турли қатламларида акс этганлиги хизмат қилди. Хоҳиш тилшуносликдан ташқари бошқа кўпгина фанларнинг ўрганиш предмети сифатида иштирок этади. Бу фанларнинг асосида хоҳиш тушунчаси ягона бўлиб, фақат уни ўрганиш, таҳлил этишга нисбатан ёндашувлар турличадир.

Хоҳиш категорияси биз таҳлил этаётган инглиз тили билан бир қаторда бошқа тилларда, хусусан ўзбек тилида ҳам мавжуддир. Шундай экан хоҳиш категориясини типологик категория сифатида қабул этишимиз учун асос етарлидир.

Зеро, типологик категория солиштирилаётган тиллар системаларига ҳос бўлган умулашган категориядир, Ушбу диссертациянинг мақсади хоҳиш категориясининг инглиз ва ўзбек тилларидаги ифодасини солиштириш эмаслиги, балки унинг фақат инглиз тилидаги акс этишнинг функционал-семантик таҳлили эканлигига қарамасдан, бу категориянинг инглиз тилидаги хусусиятларини баъзи ҳолларда ўзбек тилидаги акс этиш воситалари билан

солиштирганда тушунишга ёрдам беради.

Хоҳиш категорияси ички семантика ва бошқа ташқи формал хусусиятлар воситасида истак, интилиш, мақсадга эришувнинг йўл ва воситаларини тўлиқ англаб етмасликдан иборат иродавий ҳолатни ифодалаш сифатида характерланади.

Хоҳиш категориясининг қатламлараролик хусусияти унинг тил иерархиясининг морфологик, синтактик ва лексик қатламларида кўриб чиқирилиши билан белгиланади.

Хоҳиш категориясининг разрядлараролик хусусияти сўзларнинг турли лексик-грамматик разрядлари, яъни отлар, феъллар, сифатлар ва равишлар иштирокида ифодаланишида намоён бўлади.

Хоҳиш типологик категорияси тил иерархиясининг турли қатламларида ифода этилади. Бунга боғлиқ равишда ушбу типологик категориянинг морфологик, лексик ва синтактик ифода этиш усуллари ажратиш мумкин.

Хоҳиш маъносини ифодаловчи лексик birlikларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- 1 . структурасига кўра;
2. сўзларнинг турли лексик-грамматик разрядларининг муносабатига кўра;
3. семантикасига кўра.

Структурасига кўра хоҳиш маъносига эга бўлган сўзлар қуйидагича бўлиши мумкин: содда, мураккаб, қўшма ва мураккаб қўшма сўзлар. Морфем таркибига кўра уларни қуйидагиларга ажратиш мумкин: хоҳишни ифодаловчи ўзак морфемалар ва хоҳиш маъносига эга аффиксал морфемалар.

Сўзларнинг турли лексик грамматик разрядларига нисбатан муносабатига кўра хоҳиш семасига эга сўзлар қуйидагилардир: отлар, феъллар, сифатлар ва равишлар. Бу сўз туркумларига оид сўзларнинг барчаси хоҳишга нисбатан маълум муносабатга эга, яъни ҳар бир разряд

хоҳиш маъносини ўзининг лексик-семантик ва функционал имкониятлари доирасида ифодалайди.

Семантик тасниф хоҳиш категорияси ичида хоҳишни ифодаловчи турли шакллардан иборатдир. Бунинг ичида қуйидагиларни ажратиш мумкин: а) сўзларнинг ҳар бир лексик-грамматик разрядга оид мазмун; б) хоҳиш (*want, desire*), тилак (*wish, will*), интилиш (*intention*), афзал кўриш (*preference*) ва бошқа семантик хусусиятлар.

Хоҳиш категориясини ифода этишнинг семантик усуллари турли сўзларнинг бирикиши йўли билан амалга оширилади. Бунда бирикмани ташкил этувчи сўзларнинг бири хоҳишни ифодлашга боғлиқ бўлади, яъни хоҳишни ифодалайди ва синтактик бирликнинг сифат кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Одатда бу кўрсаткич сифатида хоҳиш маъносини лексик усул асосида ифодаловчи сўзлар иштирок этади: *deep yearning, indomitable zeal, stormy passion, persistent craving, blinding heat, irresistible inclination, burning desire, fervent ardour* каби бирикмаларни умулаштириб Q+N модели остига киритсак, *extraordinary diligent, highly desirable* кабиларни Q+A моделига жамласа бўлади. *Infinitely desire, devoutly wish, dreadfully want, breathlessly adore, tremendously admire* сингари бирикмаларга Q+V моделини келтириш мумкин бўлса *willingly ask, deliberately tell* кабиларни Adv+V модели остига жамласак мақсадга мувофиқ бўлади.

Хоҳиш типологик категориясини ифодалашнинг морфологик усуллари асосан қадимги инглиз тилидан сақланган *God bless You!* сингари иборалардаги феъл учинчи шахс бирликдаги одатий -s қўшимчасини олмаслиги мисолида кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу ҳолат истак майли таркибини тўлдирувчи вазият бўлганлиги ва юқорида айтилган -s қўшимчаси феълга қўшилганида гап аниқ майлга ўтиб хоҳиш мазмунини йўқотиши диққатга сазовордир. / *insist he go out* шаклидаги гаплар ҳам шу фикримизни тўлдиради.

Ушбу синтетик шаклдан ташқари инглиз тилидаги хоҳиш-типологик категориясини ифодаловчи морфологик даражадаги аналитик шакллар ҳам

мавжуд. Улар *would* ва *should* ёрдамида тузиладиган мисолларда намоён бўлади. / *wouldn't take thing in your place*.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики хоҳиш категориясининг типологик шакллари сифатида тил иерархиясининг морфологик, лексик ва синтактик бирликлари бир-иб келади. Ушбу ҳолат Ж.Бўронов томонидан келтирилган типологик категориянинг хусусиятларидан бири бўлиши қатламлараролик хусусиятини изоҳлайди. Ж.Бўронов таклиф этган типологик категориянинг қолган хусусиятлари тиллараролик, разрядлараролик ва қатламларо синонимия ва тиллараро эквивалентликнинг эҳтимоллигидир. Хоҳиш категорияси ўз ифодасини инглиз тили билан бир қаторда ўзбек, рус ва бошқа кўпгина тилларда мавжудлиги, ушбу категориянинг тиллараролик хусусияти унинг типологик категория эканлигининг яна бир тасдиқидир.

Ҳар қандай типологик категория сингари хоҳиш типологик категорияси ҳам разрядлараролик хусусиятига эгадир. Хоҳиш категориал тушунчаси турли лексик-грамматик разрядларига оид воситалар ёрдамида ифода этилиши мумкин, аниқроғи ушбу тушунча инглиз тилида *от*, *фёъл*, сифат ва равиш сўз туркумларига оид лексик бирликлар воситасида ифодаланади. Масалан, негизнинг умумийлигидан келиб чиқадиган бўлсак *want* ва *desire* сўзларнинг икки лексик-грамматик разрядларига тегишли: *want (an)* хоҳиш ва *want (v)* хоҳламоқ; *desire(n)* хоҳиш, истак ва *desire(v)* хоҳламоқ.

Типологик категориянинг хусусиятларининг яна бири қатламлараро синонимиядир. Ушбу хусусиятнинг хоҳиш типологик категориясидаги ифодасини кўриб чиқамиз. Лексик қатламга оид махсус сўзларга *to want*, *to desire*, *to intent* ва бошқалар киради. Бу сўзлар бир қатламли синонимлар сифатида иштирок этади. Бу бир қатламга оид синонимик бирликлар синтактик қатлам бирликлари, яъни қатламлараро синонимлар сифатидаги синтактик бирликларга қарши қўйилади. Юқорида келтирилган мисолларнинг қатламлараро синонимлари сифатида қуйидаги каби

бирикмалар келади: *to have something wanted, to get something desired, to cause something planned.*

Хоҳиш категориясининг ифода воситаларини таҳлил этиш жараёнида *let* феъли ёрдамида ясалган қурилмаларнинг табиати, функциялари ва семантикасини кўриб чиқиш амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

А.Абдурозиковнинг фикрига кўра, императив семантикасининг тадқиқ этилиши долзарб аҳамиятга эга бўлган масалаларидан бири бу ушбу категория томонидан ифодаланувчи умумий маъно билан боғлиқ масаладир. Бир қатор тилшунослар императивнинг умукатегориал маъносини фақатгина ундаш маъноси билан чегаралаб қўядилар. Бошқалари ва улар билан А.Абдурозиков ҳамфикр бўлиб, императивнинг умукатегориал маънолари қаторига сўзловчининг хоҳиши ва умуман олганда ундашнинг барча кўринишларини киритиш тарафдорларидирлар.

Vimp ва let...Vimp шаклларига эга императив сўзловчининг иш-харакатнинг ёки бевосита суҳбатдоши, ёки бошқа шахс (шахслар) томонидан амалга оширилишига нисбатан хоҳишини ифодалайди. Let's V(inf) ва Please, V(im) шаклларининг ишлатилиш хусусиятини солиштирганда қуйидаги фарқланувчи хусусият кўзга ташланади: Let's V(inf) сўзловчи адресатнинг иш-харакатни бажаришига шубҳа қилмаган вазиятда қўлланилса, Please, V(im) сўзловчи бу нарсага аниқ ишончи йўқлигида ишлатилади.

Субъект сифатида қурилмаларда атоқли отлар, олмошлар ишлатилиши мумкин. Уларнинг барчаси иш-харакатининг амалга оширувчиси бўлиши мумкин бўлган жонли предметларни ифодалайди. Предметнинг жонли ёки жонсизлиги муҳим кўрсаткич бўлиб, ундаш семантикасини ўзгартириш имкониятига эга: *Let everyone else do it. Let it be as you say.*

1.3. Семантик майдон тушунчаси

"Майдон" тушунчаси биринчи навбатда физика фанига ҳос бўлиб, бундан ташқари узоқ вақтдан буён психология, биология ва социология каби фанларда ҳам кенг қўлланилмоқда. Муҳит ходисаларини ифодаловчи ушбу атаманинг турли фанларда қўлланилиши унинг физикадан кўр-кўрона кўчирилганлигини асло кўрсатмайди. Майдон тушунчасининг турли фанларда, шу жумладан тилшуносликда ҳам ишлатилишига қаршилик килувчи фикрларнинг кўплигига қарамасдан бу тушунчани қўлловчи фанларнинг сони ҳам, ушбу тушунчанинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат килувчи таърифлар ҳам тобора кўпайиб бормоқда.

Тилшуносликдаги ходисаларга нисбатан майдон сифатидаги ёндашувга бағишланган илмий адабиётлар таркиби кенгайиб бормоқда. Ушбу адабиётларнинг хилма-хиллиги, "майдон" тушунчасини таърифлашдаги баъзи вазиятларда бир-бирига зидлигига қарамасдан тилшунослик ходисаларини майдон сифатида кўриб чиқишга қаратилган ёндашувларда санокли асосий йўналишлар мавжуд. Сон жихатидан энг кўп қўлланилувчи ёндашувлар парадигматик ва синтактик ёндашувлардир. Парадигматик ёндашув асосига Й.Трир ва Л.Вайсберг ишлаб чиққан назариялар қўйилса, синтактик ёндашувнинг шаклланиши В.Порцигнинг тадқиқотлари билан боғлиқ.

Тил системасининг майдон модели турли талқин ва амалиётга татбиқ этиш усулларига эга. Замонавий тилшуносликда майдон назариясидаги тадқиқотларнинг предмети сифатида тил бирликларининг гуруҳлари иштирок этади. Ушбу гуруҳ элементлари улар ифодаловчи маънонинг умумийлиги (семантик тамойил) ёки улар бажарувчи функцияларнинг умумийлиги (функционал тамойил), ёки ушбу икки хусусиятнинг уйғунлиги (функционал-семантик тамойил) асосида бирикади.

Ушбу хусусиятлар асосида шаклланувчи гуруҳлар -майдонлар - ҳар қандай системага ҳос бўлган боғлиқликлар ва муносабатларга эга бўлиш

билан бирга ўзига ҳос хусусиятларни ҳам қамраб олади.

Майдон ядро ва перифериядан иборат бўлиб, ядрога майдонни ташкил этувчи белги ва хусусиятларнинг максимал жамланиши ва периферияда шу белгиларнинг тўлиқсиз жамланиши ва ҳаттоки кучсизланиши кузатилади. Майдоннинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, турли майдонлар ўзаро кесишиши мумкин ва бу ҳодиса умумий сегментлар ва семантик кесишув ҳудудларининг юзага келишига олиб келади. Ядродан периферияга ўтиш ҳам босқичма-босқич, аста-секинлик билан амалга ошади, ядродан турли даражада узоқлашган бир қатор периферия ҳудудлари вужудга келади.

Майдон ўз таркибида турли грамматик синфларга ва тил қатламларига тегишли бўлган кўп хилдаги тил воситаларини жамлаши мумкин. Хусусан, Р.М.Гайшина муносабатни ифодаловчи сўзларнинг лексик-семантик майдони таркибига муносабатнинг турли вазиятларини ифодаловчи феъллар, сифатлар, отлар ва равишларни киритади. Бу каби қатламлараролик функционал-семантик ёки грамматик-лексик майдонларнинг ўзига ҳос хусусиятидир.

Майдон ўз ичига нисбий мустақилликка эга бўлган бир неча микро майдонларни жамлаши мумкин. Хусусан, хоҳиш категориясини ифода этувчи майдон таркибида "тилак", "истак", "интилиш", "умид" каби микромайдонларнинг ажратилишини табиий ҳол деб ҳисобладик.

Майдон элементлари ўртасидаги муносабатларни ўрганиш жараёнида яқин вақтгача қарама-қаршилик (оппозиция) муносабатларига асосий эътибор қаратилган эди. А.Бондарконинг фикрича қарама-қарши бўлмаган муносабатлар ҳам мавжуд.

Мавжуд таърифлар асосида тил майдонларининг асосий хусусиятлари сифатида қуйидагиларни қабул қилиш мумкин:

1. майдон ўзаро структурал муносабатлар асосида боғланган элементлар жамланмасини ташкил этади;
2. майдонни ташкил этувчи элементлар семантик умумийликка эга ва тилда ягона функцияни бажаради;

3. майдон бир вақтнинг ўзида ҳам бир турдаги ҳам кўп турдаги элементларни жамлаши мумкин;
4. майдон структурасида микромайдонлар ажратилиши мумкин;
5. майдон таркибида ядровий ва периферияга ҳос бўлган ташкил этувчи элементлар аниқланади; ядро доминант- элемент атрофида ташкил топади; периферия худудий тузилишга эга;
6. ядровий элементлар майдон функцияларини бажариш учун кўпроқ мўлжалланган;
7. майдон бажарувчи функциялар ядро ва перифериянинг ўртасида ғақсимланади;
8. ядро ва периферия, перифериянинг алоҳида худудлари ўртасидаги чегара аниқ белгиланмаган;
9. майдонни ташкил этувчи элементлар бир майдоннинг ядросига тегишли бўлиш билан бир вақтда бошқа майдоннинг перифериясида учраши мумкин;
10. турли майдонлар бир-бири билан кесишиши ва кесишув худудларини вужудга келтириши мумкин.

Инглиз тилидаги хоҳиш категориясини тадқиқ этиш жараёнига майдон ёндашувини қўллаш тил материалини ўрганишни кенгайтириш, морфология, синтаксис ва лексика ўртасидаги қарама-қаршиликларни ечишга ёрдам беради.

1.4. *Хоҳиш-истак маъносини ифодаловчи лексик бирликларнинг майдон тарзида кўриниши*

Хоҳиш лексик-семантик майдонининг ядроси ва периферияси ўртасидаги чегара элементларнинг нутқда кўп учраши, семантик мазмуни ва кўп маънолилиги асосида белгиланади. Топ "хоҳиш" маъносига эга бўлган кўп маъноли лексемалар лексик-семантик майдоннинг ядросини ташкил этди. Ушбу ядрога қуйидаги лексемалар киритилди: *to want, to desire, a want a desire, desirous, willingly*. Периферияда "хоҳиш" маъносини ифодалаш хусусияти нибатан сустлашган лексемалар учрайди: *to hope, to intend, to go* ва ҳоказолар. Лексик-семантик майдон таркибида қуйидаги микромайдонлар аниқланди: истак - *wish*, умид - *hope*, чанқоқ - *thirst*, интилиш - *intention*, афзаллик - *preference*, васият - *will*, хирс - *lust*, мақсад - *ambition*. Ушбу микромайдонларни ташкил этувчи лексемалар "хоҳиш" лексик-семантик майдонининг перифериясини юзага келтирди. Шунини таъкидлаш жоизки, ушбу микромайдонларнинг элементлари периферия билан бир қаторда ядрони ҳам ташкил этган. Умуман олганда ядро, яқин периферия ва олис перифериянинг майдондаги улуши қуйидагича: 24%: 40%: 36%.

Тилга нисбатан структура элементлари ўртасидаги муносабатлар ва боғлиқликлар тизимига эга бўлган тизимли объект сифатида ёндашув тил бирликларининг функционал ва семантик хусусиятларининг бир-бирига боғлиқлигини тан олишга асосланади.

Тилнинг грамматик ва лексик воситаларини функционал-семантик майдон нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда ўрганиш тил тизимининг турли қатламларига оид бирликларнинг ўзаро муносабатини таърифлашда ёрдам беради. Бунда ушбу бирликларнинг қандайдир мазмун инварианти асосидаги маълум ягона семантик вазифани ифодалаш асос қилиб олинади. Тил бирликларини тадқиқ этишга бундай ёндашувда Н.Д.Арутюнова томонидан илгари сурилган қуйидаги функция бирламчи бўлади: "англатувчилар

мазмунга, англлатилувчига қаратилган бўлиши, функция шаклдан устун бўлиши керак" (Арутюнова Н.Д. О значимых единицах языка// Исследования по обшей теории грамматики.-М.,1965, 105-бет).

Қандайдир бир функция ичидаги шаклларнинг хилма-хиллиги грамматик шакллар ичида чегараланишнинг мумкин эмаслигини тасдиқлайди ва тизимли муносабатлар воситасида ўзаро боғланган турли қатламлар жамланмаси мавжуд эканлиги ҳақидаги фикрни шакллантиради.

Синтактик майдонни аниқлашнинг асосий тамойили сифатида маънонинг қисман ёки бутунлай мос тушиши қабул қилинади. Бунда синтактик қурилмаларнинг кўп хилдалиги инкор этилмайди ва буларнинг ичига доимий грамматик, тизимли-семантик шакллар ва ўзгартирилган синонимик шакллар киритилади.

Қуйида умумий денотат мазмунни, хусусан хоҳиш категориясини ифодалаш учун хизмат қилувчи грамматик ва лексик усулларни функционал-семантик таҳлил қилишга ҳаракат қилинди. Денотат бир хил даражада ҳам лексик birlikлар ёрдамида, ҳам грамматик усуллар воситасида ифода этилади.

С.Д.Кацнельсоннинг фикрига кўра "денотат ва номнинг ўртасида маъноларнинг оралиқ ҳудуди борки, ҳар бир ном ўз денотати билан маъно ёрдамида алоқага киради". Е.В.Гулмга бунга қўшимча равишда объектив birlik ҳодисалари ўртасидаги муносабатнинг ифода этилиши семантика орқали ҳам содир бўлади, деб ҳисоблайди. Ўз фикрини давом этиш билан бирга Е.В.Гулига объектив birlikдаги ҳодисалар ва улар билан сўзловчи ўртасидаги муносабатлар лексик қатлам birlikлари - сўзлар томонидан ифодаланиши мавжуд усуллардан бири деб ҳисоблайди. Муносабатларни бундай номлаш хусусияти нафақат кўрсатиш майдонига оид сўзлар, модал ва ёрдамчи сўзлар, балки баъзи номловчи сўз туркумларига шам ҳосдир. Ушбу ҳолат лексик ва грамматик маъноларнинг ўзаро яқинлашиши учун қулай шарт-шароит яратсада, улар бир-биридан ҳам сифат ҳам сон жиҳатидан фарқ қилади.

Грамматик ва лексик маъноларнинг ўртасидаги сон жиҳатидан фарк қуйидаги ҳолат билан асосланади: грамматик маъноларни ифодаловчи грамматик шакл ва устқурмаларнинг чекланганлиги грамматик тизим нисбатан ёпиқлигини белгиласа, лексик маънолар амалий жиҳатдан саноксиздир. Зеро, лексик система очик, доимо ривожланувчи ва ўз-ўзини бойитиб боровчи табиатга эгадир. Барча грамматик маънолар ва семалар у ёки бу даражада лексик маъно воситасида номланиши мумкин.

Ушбу назарий вазият инглиз тилидаги хоҳиш категориясини кўриб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади. Маълумки, хоҳиш, истак сўзловчи ёки гап субъектининг борлиқни амалга оширишга бўлган ҳиссий бўялган интилишидир. Е.В.Гулыга инглиз тилидаги келаси ва ҳозирги замонга ўтган замонни ҳам қўшади. Зеро, ҳинд-европа тиллар оиласи ва бошқа тил оилаларига оид кўпгина тилларда ҳам ўтган замон билан боғлиқ хоҳиш, истакни билдирувчи ўзига ҳос воситалар мавжуд.

Хоҳиш категориясида морфологик, синтактик, лексик ва талаффуз орқали ифода этиш воситаларининг мавжудлиги ва уларнинг ўзаро мустаҳкам алоқада бўлиши ушбу категорияни таҳлил этишнинг нақадар кўпқиррали эканлигини кўрсатади.

Хоҳиш инглиз тилида бир қатор грамматик ва лексик воситалар ёрдамида ифодаланади. Ушбу воситалар Е.В.Гулыга томонидан икки усул ёрдамида умумлаштирилади:

- 1) феъл шакллари талаффуз ва баъзида лексик-грамматик воситалар билан мужассамликда фаолият юритувчи синтактик структуралар; ушбу синтактик структураларни тўлдириб боровчи луғат таркиби хоҳиш категориясини конкретлаштиради;
- 2) турли хилдаги гапларда юзага чиқувчи гаплардаги ўрни ва морфологик шаклларига қараб янгиланувчи "want" доминанти билан биргаликдаги «хоҳламоқ» тематик қаторининг лексик бирликлари;

Феълларнинг синсемантика табиатидан хоҳиш объектини конкретлаштирувчи

лексика ёрдамида янада аниқлашади.

Хоҳиш категорияси К.Бюллер томонидан киритилган тилнинг уч функцияси билан чамбарчас боғлиқдир. Хоҳиш категориясининг ўзига вдослиги бу уч функция (экспрессия, мурожаат ва маълум қилиш)нинг ҳаммасини бажара олиш қобилиятида намоён бўлади. У ёки бу функциянинг бошқаларига нисбатан устунлиги хоҳишни ифода этиш усулига боғлиқ. Агар ифода ва мурожаат функциялари устунлик қилса, сўзловчи синтактик курилмалардан фойдаланади. Хоҳиш сўзловчидан чиқиб адресатга, бошқа шахсга (предметга) ёки сўзловчининг ўзига қаратилади. Хоҳишни амалга оширувчи асосий синтактик усткурма бўлиб эргаш гапли қўшма гаплар хизмат қилади.

- 1) *If you wanted to be exact, it was a decimal that went on and on forever without repeating the pattern of numbers (C.S).*
- 2) *If I were you, I would work hard in order to submit all the papers on time.*

Ушбу стандартлашган курилмаларнинг доимий белгилари бўлиб қуйидагилар кўзга ташланади:

1) *if* боғловчиси;

2) замондаги оппозиция, яъни, эргаш гап бош гапга нисбатан ўтган замонда;

3) *would, should* ёрдамчи сўзлари агар эргаш гап ўтган замонда бўлса ва *will, shall* агар эргаш гап ҳозирги замонда бўлса.

Е.В.Гулига хоҳиш истакни қуйидаги гуруҳларга ажратади:

- 1) умумий характердаги хоҳиш, истак;
- 2) ҳозирги замонга қаратилган хоҳиш;
- 3) келаси замонга қаратилган хоҳиш;
- 4) ўтган замонга қаратилган хоҳиш.

Шу билан бирга у потенциаллик (хоҳишнинг асосий хусусиятларидан бири) ва ўтган замон ўзаро боғлиқ эмас деб ҳисоблайди, шунинг учун ўтган замонга қаратилган хоҳишни бажариб бўлмайди дейди ва бундай хоҳишни ирреал хоҳиш деб номлайди.

Майлнинг морфологик шакллари потенциал-ирреал модалликни ифода этганлиги ва потенциал-ирреал хоҳишни амалга ошириш учун синтактик курилмалар зарурлиги сабабли хоҳиш синтактик категория сифатида қаралади.

Юқорида келтирилган иккинчи гапнинг биринчи шахсда бўлган ҳолатида хоҳиш ўзидан чиқаётган сўзловчи ва гапнинг субъекти бир-бирига мос тушади. Эргаш гапли қўшма гапларда ифодалаш функцияси устунлик қилади ва бу функция ҳис-хаяжонли интонация ёрдамида кучайтирилади. Маълум қилиш функцияси эргаш гапли қўшма гапларда яширин тарзда иштирок этади: одатда бу каби гапларда борлиқнинг ё содир бўлмаган (2-мисол), ё, балки энди содир бўладиган хусусияти ҳақида маълум қилинади. Баъзида irreал-потенциал хоҳиш, истак нореал шарт-шароитга мос келади, бу эса ушбу маънолар бир-бирини тўлдиришидан далолат беради.

Хоҳиш маъносини ифода этувчи синтактик курилмаларни ўрганишда хоҳиш билан узвий боғланган ундаш ҳодисаси эътибор марказида қолади. Бу икки мазмун (хоҳиш ва ундаш)нинг ўзаро боғлиқликни Е.В.Гулмга таҳлил этганида К.Бругманнинг баъзи фикрларини диққатга молик деб топади. Унга кўра «Тингловчи учун, албатта, хоҳиш ва ундаш ўртасидаги чегара кўп ҳолларда фарқланмай қолади, кўзга ташланмайди». Бунга қўшимча сифатида Е.В.Гулыга «ҳар бир ундашда хоҳиш ва унга қўшимча равишда ундаш амалга оширилиши учун талаб ва илтимос қатнашади», деб хисоблайди. Хоҳиш мазмунини ифодаловчи гаплардаги ундашни ифода этиш жараёнида мажбурий равишда адресатга мурожаат этилиши факультативдир.

Морфологик шакл нафақат бу икки ўзаро боғланган мазмунни, балки ўзлаштирма нутқни ҳам фарқлаш қобилятига эга эмас. Ўзлаштирма нутқни ажратиш учун ўз таркибига феълни киритган контекст хизмат қилади. Хоҳиш ва ундаш маъноларини фарқлашда ҳал қилувчи ўринни гапни тўлдирувчи лексик қисм хизмат қилади. Ушбу қонуниятни Н.И.Филичева немис тилидаги истак майлини таҳлил қилиш жараёнида келтириб ўтганлигига қарамай, ушбу ҳодиса немис тили билан бир гуруҳга кирувчи

инглиз тилида ҳам кузатилади.

Ундаш ва хоҳиш, истак маъноларининг бир-бирига яқинлиги ундашни ифода этишнинг умумий ва ўзига хос шакли бўлмиш императив хоҳиш, истакни билдириши учун имкон яратади. Бу ерда ҳам аниқлаштириш функциясини феъл- кесим ва от-эга ўйнайди. Такқослаб кўрайлик:

Be ready! Be awake! Be honest (ундаш)

Be healthy! Be happy! (хоҳиш, истак, тилак)

Бу икки қурилма бир хил қурилишга эга бўлиш билан бирга мурожаат этишнинг бир хил функциясига ҳам эга. Императив ва ўтган замоннинг ўзаро мослашмаслиги туфайли буйруқ шаклидаги хоҳиш, истак ҳозирги ва келаси замонларга қаратилган бўлади.

Хоҳиш ундаш сингари бир таркибли инфинитив гапларда амалга ошади. Бу икки қурилмадаги мазмунларнинг фарқланиши, биринчи навбатда интонация воситасида содир бўлади. Хоҳиш ва ундашни ифодаловчи қурилмаларнинг фаолият майдони ҳам турличадир.

Ундаш кўчма нутқда фойдаланилади, у буйруқ йўналтирилган адресатнинг аниқлаштирилмаганлиги учун категориал хусусиятга эга. Инфинитив гаплар воситасида ифода этиладиган хоҳиш маъноси шахсиз кўчма нутқ орқали ўй-хаёллари ифода этилувчи шахсдан келиб чиқади.

Қатъий буйруқ ва турли даражадаги хоҳиш маънолари ўзаро номутаносиб бўлиб чиқади ва ушбу ҳолда фойдаланилиш усуллари бўйича аниқ фарқланади. Бу икки тушунчанинг функцияси ҳам турличадир: ундашни ифода этишда мурожаат функцияси амалга оширилади, хоҳиш маъноси ифода этилганида - экспрессия (ифода қилиш) функцияси.

Тадқиқотимизнинг ушбу босқичида "хоҳиш" деб биз томондан номланган функционал-семантик майдонини таҳлил этишга ҳаракат қилинди. Ҳозирги инглиз тилида хоҳиш категорияси тил тизимининг лексик, семантик ва морфологик қатламларида ўз ифодасини топади. Хоҳиш, истак, интилишни ифодаловчи тил восталарини семантик реляцион майдон доирасида жойлаштириш мумкин. Бунда доминанта принципини қўллаш

мақсадга мувофиқдир. Майдоннинг доминантасини ҳисобга олиб майдоннинг периферияси ва унинг ичида икки микромайдонни ажратиш тўғри деб топилди. Ушбу икки микромайдон хоҳишни имплицит ва эксплицит тарзда ифодалайди.

Имплицит (яширин) микромайдон устқурмаларида хоҳишни ифодаловчи шакл шундай хусусиятга эгаки, хоҳиш ҳиссиёти гўёки ўзининг хусусияти сабаб бошқа мазмун ичига яширилган.

Майдон бирликлари учун ишлаб чиқилган таърифлардан келиб чиққан ҳолда ҳар икки микромайдоннинг доминантлари ажратилади. Бу доминантлар:

- 1) хоҳиш маъносини ифодалашга ва уни нутқда белгилашга мослашган бўлади;
- 2) хоҳиш йўналтирилган предмет ва ҳодисани тўла ифодалайди;
- 3) тилда мунтазам ишлатилади.

Хоҳиш семаси эксплицит (очик) тарзда ифодаланган микромайдоннинг доминантаси бўлиб эргашган гаплар каби қурилмалар қатнашади. Бунда эргашган қисмида хоҳишнинг объекти ифодаланса, бош қисмида хоҳиш ҳиссиётининг ўзи акс этади. Хоҳишнинг табиати ва ҳиссий бўялганлик даражаси феълнинг семантикаси билан белгиланади. Масалан,

*// they wanted to communicate with us , they would make it easy for us (C.Sagan).
I, for example, have a want to understand what the meaning of this signal is...(CS)*

Хоҳиш мазмуни фақатгина феъллар ва фақатгина эргаш гапли қурилмалар асосида эксплицит тарзда шаклланади деб эътироф этиш нотўғри бўлар эди. Зеро, ушбу маъно феъллар қаторида отлар, сифатлар ва равишлар билан ҳам ифодаланиши мумкин ва гаплар эргашган гаплардан бошқа турда ҳам кўп учрайди: *Many of us have wants Mr. Kitz. (CS)*

With deliberate composure, Ellie left the assembled group crowded around the consoles and returned to her office. (CS)

Хоҳишни акс этувчи имплицит микромайдонда хоҳиш ҳиссиёти ва

баъзи ҳолларда унинг объекти яширин тарзда ифодаланган бўлади ва мазмуни ўз аниқлигини атрофдаги вербал контекст ҳисобга олинганида топади. Микромайдон доминанти бўлиб "хоҳиш" маъносини яширин ҳолда, маъносининг фақатгина баъзи элементлари асосида ифодаловчи бирликлар ташкил этади.

/ don 't mean to toot my own horn, but I take a lot of credit for what you have done. (CS)

It's probably nothing? But we have a bogey here and wonder if you could just check it for us. (CS)

All he is asking is to talk about it with us first. (CS)

Хоҳиш маъносини имплицит тарзда ифодалашнинг синтактик усулларида бири сифатида, бизнинг назаримизда, истак майли шакллари қатнашади:

I'll let you if you promise to call me right after. (CS)

If we succeed, we'll have changed the history of our species (CS)

Боб бўйича хулоса

Сўзловчининг ёки гап субъектининг борлиқни амалга оширишга қаратилган турли даражада хиссий бўялган интилиши бўлган хоҳиш тушунчасининг тилдаги ифодасининг тилшунослар томонидан фақатгина баъзи жихатлари ўрганилган.

Мустақил категория сифатида етарли даражада ўрганилмаган инглиз тилидаги хоҳиш категорияси тилнинг морфологик, синтактик, лексик қатламларида ўзининг кенг ифодасини топади. Тадқиқотлар натижасида аниқланишича инглиз тилидаги хоҳиш категориясининг асосларидан бири бўлиб истак майли хизмат қилади. Истак майли тизимига кирувчи аналитик ва синтетик шакллар иш-ҳаракатнинг исталганлиги, унинг содир этилишига нисбатан қайсидир даражадаги хоҳишни ифодалайди.

Хоҳиш маъноси истак майлидан ташқари буйруқ маълида ҳам қатнашиши мумкин. Зеро, ҳар қандай буйруқ, кўрсатма қандайдир иш-ҳаракатнинг содир этилиши, қандайдир вазиятнинг амалга оширилишининг исталганлиги асосидир.

Ушбу категорияни ифодаловчи лексик қатлам от, сифат, феъл ва равиш сўз туркумларига оид содда, ясама ва қўшма сўзлар ҳисобига кенг эканлиги аниқланди. Бунда сўз ясаш жараёнида префиксацияга қараганда суффиксация ҳолати кўп учрайди. Синтактик қатламда хоҳиш категорияси сўз бирикмалари, фразеологик иборалар, матал ва мақоллар воситасида ифодаланиши инглиз тили қонуниятлари асосида амалга оширилади.

2 боб: Хоҳиш-истак маъносини билдирувчи лексик бирликларнинг структуравий-семантик ва функционал таҳлили

2.1. Истак майли – хоҳиш-истак категориясининг асоси

Майл, умуман олганда, сўзловчининг гап орқали борлиққа нисбатан бўлган муносабатини ифодаловчи феъл категориясидир. Анъанавий грамматика инглиз тилида уч хил майл - оддий, буйруқ ва истак майли мавжудлигини белгилайди. Биз томондан таҳлил мавзуси сифатида олинган истак майли иш-харакатни тахминий, содир этилиши мумкин, исталган, кутилган, ноаниқ деб қарайди.

Истак майли ўз ичига турли-туман шаклларни қамраб олган, ва айнан ана шу хусусияти туфайли унга таъриф беришда тилшунослик тарихида турли, ҳаттоки, бир-бирига зид ёндашувлар ўз ифодасини топган. Ушбу шакллар қаторига, биринчи навбатда, сақланиб қолган синтетик шакллар: ҳозирги вақтда стилистик жиҳатдан чекланган *be (If it be true)*; стилистик чекланмаган *were*, ва ҳозирги замон парадигмаси билан мос келувчи, аммо учинчи шахсда *-s* қўшимчасига эга бўлмаган шакл (*/ suggest that he go*). Иккинчидан, бу қаторга ўтган замон перфекти ва претеритга шаклдош бўлган, лекин улардан вақтга нисбатан муносабати ва умуман вақт мазмунига эга эмаслиги билан фарқ қилувчи шакллар киради. Учунчидан, *should* ва *would* ёрдамчи феъллари воситасида тузиладиган аналитик шакллар истак майли қаторини тўлдиради.

Истак майлига нисбатан турли тилшунослар томонидан берилган таърифлар хилма-хилдир. Баъзи тилшунослар 16 хил турдаги майлни фарқласалар, бошқалари инглиз тилида Subjunctive mood (истак майли) мавжудлигини инкор этадилар. Б.А.Ильишнинг фикрича турли муаллифларнинг ушбу масалага нисбатан нуқтаи - назарлари ғайриоддий даражада фарқланиши истак майлига тегишли шаклларни таърифлаш ва таснифлаш маълум даражада мураккаблик касб этишидан далолат беради. Бу

мураккабликнинг сабаби бўлиб икки фактор хизмат қилади:

- 1) бир шакл турли маъноларни ифодалайди;
- 2) бир маъно турли шакллар воситасида ифодаланади.

Шакл ва мазмуннинг айнан мана шу кесишиши истак майлига таъриф беришда субъективликка йўл қўйилишига олиб келади. Масалага нисбатан бўлган турли ёндашувларга қарамасдан умумийлик шунда намоён бўладиги аксарият тилшунослар истак майлини, асосан маъно жиҳатига боғлиқ равишда, бир неча кичик турларга ажратадилар. Бу каби ёндашув А.И.Смирницкий, И.Б.Хлебникова, Б.А.Ильиш, Л.М.Берк ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

А.И.Смирницкий истак майлининг қуйидаги турларини фарқлайди:

а) реал борлиққа зид бўлмаган мазмунни ўз ичига қамраб олувчи истак майли *I {if he be; I suggest that he go),*

б) истак майли II, аксинча борлиққа зид маънони ифодалайди (*if he were; if he had known);*

в) ҳар қандай эга билан келувчи инфинитив билан биргаликдаги *should* ибораси воситасида ясалувчи тахминий истак майли (*should you meet him);*

г) шарт истак майли - *should* ва *would* билан келувчи аналитик шакллар (*What would you answer if you were asked?)*. Ушбу тасниф ўз асосига кўра семантик тасниф деб ҳисобланиши мумкин.

И.Б.Хлебникова истак майлининг ичида қуйидагиларни фарқлайди: шарт майли (Conditional - *should go, would go*), субъюнктив (ўз ичига *be, were if I knew* каби синтетик шаклларни қамраб олади) ва тизим шаклига кирмаган истак майли вариантлари (*however it might be, for fear it should start trouble*). Ушбу тасниф асосида ётган назария қуйидаги фикрни илгари суради: Conditional шакллари семантик жиҳатдан ягона турни ташкил этади, шакл жиҳатидан бир-бирига мос келувчи бошқа ҳоллар эса ягона тизимга туша олмайди.

Л.Берк истак майлини ҳозирги инглиз тилида фаоллиги сустлашган феъл шакли сифатида таърифлаб уни қуйидагича таснифлайди: *mandative*

subjunctive буйруқ беришнинг ўзига ҳос кўриниши бўлиб доимо бир хил шаклга эга бўлади (/ *suggest, we asked, I insist*), volitional subjunctive (/ *wish I were, Joseph wishes he were*), formulaic subjunctive - тил ривожланишининг қадимги босқичларидан сақланиб қолган иборалар (*God bless you! The Lord make his face shine upon thee....*).

Л.С.Бархударов ва Д.А.Штелинг истак майли тизимига икки турдаги шакллар, аналитик (истак майли I) ва синтетик (истак майли II)ни киритади. Истак майли Iнинг шакли ифодаланаётган ҳодиса нореал, ҳаёлий эканлигини англатиш, билдириш воситаси бўлиб хизмат қилади {*To lose a moment would be fatal. What would you do if you were me?*}. Истак майли II шакли асосий ҳолларда қўйидаги характердаги эргаш гапларда ишлатилади: шарт(г/ ва бошқа боғловчилар); муроса {*even, if though* боғловчилари); солиштириш-қийёслаш {*as if, as though* боғловчилари)

Ушбу таснифга қўшимча равишда муаллифлар истак майли ишлатилишининг ўзига ҳос ҳолатларини келтирадилар. Бу рўйхатдан биз хоҳиш-истак маъноси ифодаланган ҳолатларнигина кўрсатиб ўтишни лозим топдик, зеро хоҳиш категориясини бизнинг тадқиқот предметимиз сифатида юқорида белгилаган эдик. Хусусан, Л.С.Бархударов ва Д.А.Штелинг истак майли II шакли қуйидаги ҳолларда ишлатилади деб ҳисоблайдилар:

а) мавжуд бўлмаган нарсага нисбатан афсусни ифодалаш учун *to wish* феълидан сўнг: *Ah, I wish I were fifteen again.*

Истак майли II таркибидаги отда инкор юкламаси бор ҳолда ҳақиқатда содир бўлган нарсага нисбатан афсус ифодаланади: / *wish she hadn't done that*. Бизнинг назаримизда келтирилган ушбу ҳолатларда борлиққа нисбатан хоҳиш, истак ифодаланади. Зеро, биринчи келтирилган мисолда сўзловчи ўз ёшлигига қайта олмаслигини англасада, ўн беш ёшли ўспирин бўлишига нисбатан кучли хоҳишини билдиради.

Мисол тариқасида келтирилган иккинчи гапда сўзловчи ўтмишдаги вазиятда гап объекти бўлган шахс маълум иш-ҳаракатни амалга ошириши лозимлигига нисбатан истагини ифодалаган.

б) *it's (high) time* иборасидан сўнг, яъни айни вақтда мавжуд бўлмаган ҳолатни амалга ошириш мавлуди келди": *It is time we ordered dinner.* Сўзловчи очикқанлиги ёки бошқа сабаб тушликка буюртма беришни, натижада таом истеъмол қилишни хоҳлашини билдирмоқда.

в) ундов гапларда орзу, кучли истак, хоҳишни ифодалаш учун *{if only}* боғловчисидан сўнг): *If only his father were alive! If she had only known!* Агар биринчи гапда амалда иложи йўқ нарсага нисбатан хоҳиш билдирилса, иккинчи гапда амалда содир бўлиши гумон ҳодисага нисбатан истак ифодаланади.

Аксарият тилшунослар томонидан истак майлининг шаклларида бири сифатида қаралган конъюнктивнинг синтетик шакли ҳам хоҳиш-истак маъносини ифодалаш мумкинлиги бизнинг эътиборимизни тортди. Л.С.Бархударов ва Д.А.Штелинг таклиф этган нуқтаи назарга кўра конъюнктив бошқа бир қанча маънолар билан бир қаторда хоҳишни ифодалаш учун аниқловчи ва тўлдирувчи эргаш гапларда қўлланилиши мумкин: *I vote we go there. And now her father and mother had taken a firm stand and commanded that the engagement be broken. They were to be turned over to Clyde with the suggestion that he try them.*

Хоҳиш маъносининг истак категориясида ифодаланишини таҳлил этишни давом этган ҳолда Е.А.Натанзоннинг таснифини кўриб чиқишни лозим топдик. У И.Б.Хлебникова, Л.С.Бархударов ва бошқа тилшунослардан фарқли нуқтаи назарни химоя қилиб истак майлининг тўрт шаклини келтиради. Улар Conditional Mood (*I should do., He would do.*), Subjunctive II (*I were/was smth, I had been...*), Suppositional mood (*I should do smth..., I should have done.*) ва Subjunctive I (*I be smth.*). Унинг фикрига кўра истак майлининг бу тўрт тури ичида Subjunctive II маслаҳат, афзал кўриш билан бирга хоҳиш маъносини ҳам беради (*only I knew it for sure! She would rather stay at home with a book. I had much sooner not interfere*). Кўриниб турибдики, бу ҳолатда Е.А.Натанзон ва Л.С.Бархударовнинг фикри бир-бирига мос келади.

Истак майлига Л.Берк томонидан берилган таснифдаги ҳар уч тури

истак, хоҳиш маъносини ифодалаш қобилиятига эга. Хусусан, mandative subjunctive буйруқ беришнинг воситаси бўлиш билан бирга / *beg that he return the money. We asked that Marsha tell the* ?гг^/г.сингари гапларда хоҳиш маъноси яширин тарзда ифодаланади.

Дарҳақиқат, сўзловчида бирор иш-ҳаракатни содир этишга нисбатан хоҳиш, интилиш борки у гап адресатини шу иш-ҳаракатни амалга оширишга ундайди. Volitional Subjunctive бевосита *to wish* билан тузилган гапларни ифодалагани учун, тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бу турдаги гапларда хоҳиш маъноси ифодаланаётган асосий маънолардан биридир.

Инглиз тили ривожланишининг қадимги босқичларидан сақланиб қолган баъзи иборалар ўша давр тил қонуниятларини ўз таркибида сақлаб қолган. Бу турдаги ибораларни Л.Берк formulaic subjunctive га киритади. Истак майлининг айнан шу кўринишига тегишли "*God bless you*" иборасида гап эгаси учинчи шахс орқали ифодаланган, феъл ҳеч қандай қўшимчага эга эмас. Ушбу ибора борлиқни ифода этмайди, балки сўзловчининг истагини акс этади яъни "*/ hope that God blesses you*" маъносини беради . Бу каби диний маросимларда кўп учрайдиган қуйидаги ибораларда ҳам хоҳиш маъноси топилиши мумкин: "*God save the Queen. Heaven forbid. God be with you. God help him. The Lord make his face shine upon thee... Be that as it may. Long live the King. "*

Хозирги инглиз тилидаги истак майлини ифода этувчи воситаларнинг хусусиятларини англаш учун бу воситаларнинг ривожланиш тарихини ўрганиб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. И.Б.Хлебникова келтиришича, қадимги герман тилларида ҳозирги ва ўтган замон индикативи билан бир қаторда феъл таркибида нореал-тахминий ёки хоҳиш майлини белгиловчи ўзига хос қўшимчалар бўлган. Бу майлни И.Б.Хлебникова конъюнктив (германский конъюнктив) деб номлайди.

Конъюнктивнинг юқорида эслатиб ўтилган қўшимчалари тўртинчи аср гот тилида ўз ифодасини топади. Бунда ҳозирги замонда конъюнктив *-ai-* кўрсаткичига эга бўлса, ўтган замонда *-/-* кўрсаткичи қатнашади. Ҳар иккала

кўрсаткич феълнинг ўзаги ва шахс қўшимчаси ўртасида жойлашади. И.Б.Хлебникова томонидан келтирилган мисол буни яққол ифода этади: *nim-ai-s* (ҳозирги замонда), *nem-ei-s* (ўтган замонда) - сен олар эдинг.

Бу кўрсаткичлар тарихийлик жihatдан асосига қадимги ҳинд-европа тилининг "i" феъли кирувчи қадимги ҳинд ва қадимги юнон оптативига бевосита мос келади. "i" феъли "бормоқ" ёки "хоҳламоқ" маъносини, яъни, икки ҳолатда ҳам иш-ҳаракатни содир этишга нисбатан интилиш маъносини англатган.

Герман тилларида III-IV асрлар оралиғида содир бўлиб борган фаол фонетик жараёнлар нореал майл кўрсаткичининг шахс қўшимчалари билан бирикиб кетишига кўмаклашган, ушбу грамматик категориянинг аниқ белгилари ва шакллари заифлаштириб қадимги инглиз тилидаги конъюнктивнинг қўйидаги қўшимчаларининг шаклланишига олиб келган: ҳам ҳозирги ҳам ўтган замондаги турли феъл ўзаклари билан бирга келувчи -*e* (бирликдаги барча шахслар учун) ва -*en* (кўпликдаги барча шахслар учун). Бу қўшимчалар баъзи шахсларда индикатив билан ўзаро мос тушган.

Индикатив қўшимчаларининг конъюнктив қўшимчасидан фарқланиши ҳозирги замоннинг кўплик шаклида кузатилган: индикатив -*ath*, конъюнктив -*en*. Ўтган замондаги фарқ индикативнинг -*on*, конъюнктивнинг ~*en* қўшимчаларида намоён бўлган. Булар урғусиз бўғинлар редукцияси шароитида кўп ҳолларда -*an*, -*on*, -*en* шаклини қабул қилган.

Ўрта инглиз тилида урғусиз қўшимчалар редукцияси ва феълнинг тўрт шаклининг учтага қисқариши натижасида биринчи навбатда ўтган замон конъюнктивининг индикативдан фарқи йўқолади. Ўтган замон конъюнктивининг шакллари ўрта инглиз тилининг илк босқичларидаёқ индикатив шакллари билан деярли бирлашиб кетади.

Ҳозирги замон конъюнктивининг -*e*, -*en* қўшимчалари ҳам редукция таъсирига учрайди. Аммо конъюнктив шакллариининг индикативдан фарқи сақланиб қолади, зеро ҳозирги замон индикативининг баъзи шахс қўшимчалари турғун бўлиб чиқади. Масалан, ҳозирги замон бирлик иккинчи

ва учинчи шахслардаги кўшимчалар конъюнктивда бўлмаган {*tho writest, he writes*}).

Хозирги замон конъюнктивидан индикативнинг ушбу фарқи, учинчи шахс индикативида учрайдиган -s кўшимчаси ва унинг конъюнктивда йўқлиги инглиз тили ривожланишининг хозирги босқичида ҳам сақланиб қолган.

Конъюнктив ва индикатив шакллари бир-биридан фарқладиган ягона феъл "*to be*"дир. Хозирги замон индикативида ушбу феъл *am, is, are* шаклларида эга, конъюнктивда эса ҳамма шахслар учун "*be*" шакли қўлланилади, ўтган замон индикативида -*was, were*, конъюнктивда - барча шахслар учун- *were, "to be"* феълининг бу хусусияти унинг ўзаги асосдир.

Шу тариқа инглиз тили ривожланишининг ўрта босқичида шундай ҳолат юзага келдики, феъл ўзининг синтетик флексив шакллари воситасида конъюнктивни, айниқса унинг ўтган замон шакллари, ифодалаш қобилиятини йўқотди. Аммо, маълумки, тарихий ривожланиш жараёнида тилда моддий воситаларни қайта гуруҳлаш, бошқа шаклга ўтказиш қобилияти мавжуд. Ифода этилиш зарурияти мавжуд бўлган категориялар тилда йўқолиб кетмайди, сустлашиши шароитида эса тил структураси ривожланишига мувофиқ равишда бошқа ифода воситаларига эга бўлади.

Қадимги инглиз тилидаёқ истак майли ифода майдонига хос бўлган маъноларни ифодалаш учун табиатига кўра модал бўлган *ſcea/*(қилишим керак) ва *ш*/(хоҳлайман) феълларининг ўтган замон конъюнктив шакллари бирикмалари (*sceolde, wolde*) дан фойдаланила бошланган. Инглиз тили ривожланишининг қадимги босқичида *sceolde* ва *wolde* нинг маънолари бирикиб аналитик шакл хусусиятига эга бўла бошлаган. И.Б.Хлебникова бу ходисани изоҳлаш мақсадида қуйидаги мисолларни келтиради:

1 .*Baloham thonne fulgeorne feran wolde thaer hine mon baed, ac his fulnesse witteah se esol the he enuppa sae (Cura Pastoralis)*. Б. жони билан таклиф этилган жойга борар эди-ку, аммо унинг иштиёғига ўзи ўтирган

эшак халацит цилди.

1. Ond hie tha hraedlice beforan heora feondum forweortan sceoldon, thaer hie tha burg ne abraecen (Orosius). Улар душманларидан илгари ўтиб кетар эдилар, агар улар шахарни ишгол этмаганларида.

Ушбу феълларнинг модал маъноси инглиз тили ривожланишининг ўрта босқичида йўқолиб бориши кўпроқ сезилади ва айнан шу даврда истак майлини ифода этишнинг янги воситаси - аналитик шакл ривожланал бошлайди.

Вақт ўтиши билан *should* ва *would shall* ва *will* феълларининг ўтган замон сифатидаги мақоми сустлашиб тобора кўпроқ истак майлининг аналитик шаклининг ёрдамчи феъллари сифатида фаолият юрита бошлайди. Шундай қилиб ўрта инглиз тилидаёқ аналитик шакллар инглиз тили ривожланишининг ўрта босқичидаёқ аналитик шакллар қадимги босқичда синтетик конъюнктив таркибида бўлган истак майли маъноларининг турли даражаларини ифодалай бошлаган. Аммо ўрта инглиз тилида аналитик шакллар билан бир қаторда ўтган замон индикативи билан ўзаро мос келувчи истак майлининг ўтган замон шакли ҳам фойдаланишда давом этиб келади. Натижада, шаклларнинг омонимияси юзага келади, масалан: *if she came "агар у келган бўлса"* ва *"агар у келганида эди"*. Бу шакллар нореал ҳаракатни ҳозирги-келаси замон жабҳасига йўналтириш ёки вақт билан қатъий чегараланмаган тахминий иш-ҳаракатни ифодалаш имкониятига эга бўлади

Истак майли шаклларида содир бўлиб ўтган ўзгаришлар натижасида инглиз тили ривожланишининг ҳозирги босқичида кенг қамровли вазият юзага келади. Бир жиҳатдан тилда флексив шаклларнинг қолдиқлари сақланиб келмоқда. Буларга ҳозирги ва ўтган замон конъюнктиви шакллари киради.

1. Ҳозирги замон конъюнктиви: *to be* феълида барча шахслар учун *be* шакли ва бошқа феълларда барча шахслар учун ҳозирги замон шакли ўзагидан: *I, he, she take, go, have*.

2. Ўтган замон конъюнктиви: *to be – were* барча шахслар учун.

Бошқа жихатдан инглиз тили ривожланишининг hozirgi bosqichida Past Indefinite индикативи шаклига mos keluvchi ўтган замон флексив конъюнктивининг қолдиғи сақланиб келмоқда: / *took, he went, she did...*

Бундан ташқари инглиз тилидаги перфект шакллари тизимининг ривожланишига нисбатан умумий суръатига мувофиқ равишда содир бўлинганлик мазмунини истак майлида ифода этиш учун Past Perfect жалб этилади.

Инглиз тили ривожланишининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ равишда тилнинг hozirgi ривожланиш bosqichida истак майлининг аналитик шакллари ўзининг кенг ифодасини топган. Энг кўп тарқалган аналитик шакл бўлиб "*should ёки would + infinitive*" келади. Бунинг асосида ўзининг лексик моҳиятига кўра модал бўлган *shall* ва *will* феълларининг ўтган замон конъюнктиви шакллари ётади.

И.Б.Хлебникова илгари сурган фикрлар бошқа бир қатор тилшунослар тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган. Б.Ильиш келтиришича қадимги инглиз тилида истак майли бош гапда истак ва хоҳишни ифодалаш мақсадида келади - "*se pe me penize, fylise he me*" (ким менга хизмат қилишни хоҳласа ортимдан юрсин); "*zif pu were her, naere min bropor dead*" (агар сен бу ерда бўлганингда менинг акам ўлмаган бўлар эди). Эргаш гапларда истак майли янада кенг ишлатилган: *him waes leafre, that hine man ofsloze ponne hine man zebunde* (у улар боғлаганларидан кўра ўлдиришларини кўпроқ хуш кўрар эди).

Томас Пайлс ва Жон Алгео истак майли қадимги инглиз тилида бош гапда истак ва буйруқни ифодалаганлигини қуйидаги мисоллар орқали кўрсатадилар: *God us helpe* (Худо бизларни қўлласин); *Ne heo hundas cepe* (У кучук тутмайди). Эргаш гапларда истак майли hozirgi кунда ҳам ишлатиладиган турда учраган: *swelche he tarn waere* (худди у инсонларга ўрганганганидек). Лекин истак майлининг қадимги инглиз тили эргаш гапларининг баъзи кўринишларидаги ишлатилиши hozirgi вақтда

учрамайди: *Is heom saegde paet heo blithe waere* (Мен у бахтлилигини уларга айтдим).

Инглиз тили ривожланишининг ўрта босқичидаги аналитик шаклларнинг ривожланишига мисол тариқасида И.Б.Ильиш "*wolde + infinitive*" фойдаланилган ҳолатларни келтиради: *nege thou our brother, sholdestou nat thryve* (агар укамиз бўлмаганида муваффақиятга етишмас эдинг).

Хозирги инглиз тилининг илк босқичларида, яъни Шекспир даврида истак майлининг ҳам синтетик, ҳам аналитик шакллари фаол иштирок этганлигин И.Б.Ильиш кўрсатиб ўтади. Хусусан, биринчи ва учинчи шахсдаги феълларнинг истак майли шакллари хоҳиш маъносини ифодалаши кўйидаги мисоллар воситасида кўрсатилади: *sit we down; judge me the world; the world of conscience still begnan thy soul*. Баъзи вазиятларда айнан шу маънони ифодалаш учун "*let + infinitive*" ибораси қўлланилган: *let us once again assail your ears, that are so fortified against our story, what we two nights have seen*.

XVII асрда хозирги замон истак майлининг синтетик шакллари хали ҳам учраб турган: *I'll tell you, I would have mirth continued this day at any rate; though patients purchase folly, and attention be paid with noise*.

Эргашган қўшма гапларнинг бош гапида аналитик шакллар синтетик шакллар ўрнини эгаллаб кўпроқ фойдаланила бошлаган: *Hannibal was a very pretty fellow in these days, it must be granted, but alas, sir, were he alive now, he would be nothing in the earth*.

2.2. Хохиш-истак категориясини ифода этишининг лексик усуллари

Маъно категорияларининг тилда ифода этилишини таҳлил қилиш жараёнида тилшуносларнинг эътиборини ўзига тортадиган тил қатламларидан бири, шубҳасиз, лексик қатламдир. Зеро, ҳар қандай тилнинг луғат структураси маълум лексик категорияларнинг иерархиясини ташкил этади.

Инглиз тилида хохиш категориясини ифода этувчи луғат таркибини таҳлил этишда И.В.Арнольд томонидан таклиф этилган сўзларнинг морфологик таснифидан келиб чиқишни лозим топдик. Хусусан, И.В.Арнольд сўзларни морфологик тузилишига кўра тўрт гуруҳга бўлади.¹ Бунда сўзларнинг таркибига кирувчи морфемаларнинг сони ва тури тасниф учун асос сифатида олинган:

- 1) Содда ёки морфем сўзлар. Уларнинг ўзаги бир эркин морфемадан ташкил топган бўлади (*want, desire*).
- 2) Ясама сўзларда морфемалар сони иккитадан кам бўлмайди ва улардан камида биттаси сўз ясовчи морфема (*bound morpheme*) бўлади (*wished, desirous*).
- 3) Қўшма сўзлар камида икки эркин морфемадан ташкил топади. Сўз ясовчи морфеманинг мавжудлиги эҳтимол, лекин муҳим эмас (*nymphomania*).
- 4) Ясама қўшма сўзлар камида икки эркин морфема ва бир сўз ясовчи морфемадан ташкил топади (*self-willed, long-wished*).

И.В. Арнольд томонидан келтирилган ушбу таснифнинг сўнги икки таърифини таҳлил этиш натижасида шундай тасаввурга келиш мумкинки, буларнинг иккаласида ҳам эркин морфемалар сони тенг ва фақат сўз ясовчи морфеманинг мавжудлигининг зарурлиги билан фарқ қилади. Айнан шу фикрга асосланган тарзда ясама қўшма сўзларни қўшма сўзларнинг бир кўриниши сифатида қабул қилишни лозим топдик. Демак, инглиз тилидаги луғат тизимини ташкил этувчи лексик birlikларни содда сўзлар, ясама

сўзлар ва қўшма сўзларга ажратиш мумкин. Бунга асос бўлиб В. Фромкин ва Р.Родманнинг сўзларни бир морфемали (monomorphemic words) сўзлар, ясама сўзлар(derived words) ва қўшма сўзлар (compound words)га ажратилган морфологик таҳлилини олиш мумкин.

1. Хоҳиш-истак категориясини ифода этувчи инглиз тилидаги от сўз туркумига оид таҳлил учун олинган сўзларнинг 33% қисмини содда сўзлар ташкил этди. Уларнинг таркибида "хоҳиш" семаси асосий маъно бўлган *desire, want, wish, will* сўзлари билан бир қаторда асосий маъноси бошқа бўла туриб, қўшимча равишда "хоҳиш" маъносини ифодаловчи *heat, hunger, thirst* каби отлар ўрин олган. Ушбу қаторга инглиз тилининг оғзаки нутқ вариантыда "хоҳиш" маъносини ифодаловчи *itch, call* каби лексик бирликлар киритилди.

Феъл сўз туркумига оид содда сўзларни таҳлил қилиш натижасида хоҳиш категориясига оид барча феълларнинг 90 % қисмини айнан содда сўзлар ташкил этиши аниқланди. Бунда ушбу маъно категорияси ядросини ташкил этувчи *uwant, desire, wish*" каби феъллар билан биргаликда хоҳиш маъноси лексик майдонининг перифериясини қамраб олувчи, хоҳиш маъносини асосий маънога қўшимча равишда ифода этувчи *tend, hope, aspire, beg* каби феъллар ҳам назарда тутилди.

Сифат сўз туркумига оид сўзлар ичида хоҳиш маъносини ифодаловчи лексик бирликларнинг атиги 6% қисми содда сўзлардан иборатлиги аниқланди. Ушбу бир морфемали сифатлар қаторига *agog, eager, keen, lewd* кабилар киритилди.

Равиш сўз туркумига оид содда сўзлар хоҳиш категориясининг лексик қатламини ташкил этувчи равишларнинг 12% идан иборат бўлди. Бунда хоҳиш маъносини имплицит тарзда ифода этувчи *rather, perhaps* каби равишлар аниқланди.

Содда сифат ва равишларнинг хоҳиш маъносини ифодаловчи лексик-семантик майдонда содда от ва феълларга нисбатан кам улушга эга эканлигига сабаб бўлиб ушбу сўз туркумларига оид бирликлар асосан

аффиксация воситасида сўз ясалиши ҳисобига кенгайиши хизмат қилади. Шу сабабли бу икки сўз туркумига оид лексикадаги ясама сўзлар улуши хоҳиш маъноси ифодаланган лексик-семантик гурурухда нисбатан каттадир.

2.И.В. Арнольд томонидан келтирилган таърифга биноан ясама сўзлар камида икки морфемадан иборат бўлади ва улардан камида биттаси сўз ясовчи морфемадир.

Инглиз тилида хоҳиш категориясига оид лексик-семантик гурухнинг ичидаги от сўз туркумини ташкил этувчи ясама сўзлар ушбу сўз туркумига оид хоҳиш маъносини ифода этувчи умумий лексиканинг 58% қисмини ясама сўзлар ташкил этиши аниқланди. Ушбу гурухга кирувчи лексик катламнинг сўз яшаш воситаси сифатида асосан суффиксация хизмат қилади. От ясовчи суффикслардан қуйидагилари хоҳиш маъносини ифода этувчи отларни яшашда қатнашиши аниқланди: *-ion/ -sion/ -tion/ -ation (inclination, requisition, compulsion, desideration), -ness (willingness, greediness, keenness), -ing (sighing, hankering, longing, craving), -(i)ty (credulity, lubricity, desirability), -ance/ -ence (appetence, prurience), -er/ -or (adorer, prayer, petitioner), -cy (obstinacy), -y (jealousy), -ot (zealot), -ac (maniac), urn (desideratum), -ast (enthusiast), -asm (enthusiasm).*

Таҳлил этилаётган маъно категориясини ифода этувчи феълларнинг 6%и ясама сўзлардан иборат эканлиги маълум бўлди. Бу сўз туркумига оид лексика ҳам ясама отлар сингари суффиксация асосида ясалади.

Тадқиқот натижасида қуйидаги феъл ясовчи суффикслар хоҳиш семали лексик-семантик гурухни тўлдиришда иштирок этиши аниқланди: *-en (hasten), -er (pander), -tion (requisition), -ate (replicate, desiderate).* Префиксация қуйидаги сўзда намоён бўлиши мумкин: *beseech*.

Хоҳиш маъносини ифода этувчи сифат сўз туркумига оид ясама сўзлар ушбу сўз туркумидаги семантик гурухнинг 90% қисмини ташкил этиши таҳлил натижасида аниқланди. Аффиксация воситасида ясалган сифат-лексик birlikларнинг асосий таркиби суффиксация натижасида ясалганлиги қуйидаги суффикслар сифат яшашда фаол қатнашишининг

исботидир: *-able (desirable, admirable, preferable), -ive (attractive), -ing (willing, hoping, pining), -ed (wished, hoped, coveted), -ful (lustful, hopeful), -ous (desirous, lascivious), ate (passionate), -ish (freakish), -al (maniacal), -ic (enthusiastic, erotic), -ent (ardent), -y (greedy, itchy), -ac (aphrodisiac)*. Сўз ясовчи суффикслар от-негиз {*-al: maniacal; -ful: hopeful; -ic: enthusiastic; -ish: freakish; -y: greedy; -ent: ardent; -ous: zealous*) ва феъл-негизга кўшиш орқали ясама сифатларнинг шаклланишига олиб келади {*-able: desirable; -ing: dying; -ed: inflamed*).

Префиксация воситасида шаклланган ясама сифатларга *impatient, overanxious*, кабиларни келтириш мумкин. Хоҳиш маъносини ифода этувчи ясама равишларга *-ly* суффиксини феъл-негизга {*intently*) ва сифат-негизга кўшиш {*willingly, greedily, keenly*) орқали ясалган лексик бирликлар воситасида кўрсатиб ўтиш мумкин. Бунда *-ly* суффикси аксарият ҳолларда ясама сифатларга кўшилишини кузатиш мумкин {*jealously, preferable, hopefully*). Ясама равишлар хоҳиш маъносини ифода этувчи равиш сўз туркумига оид сўз қатламининг асосий 80% қисмини ташкил этади.

3. Инглиз тили луғат таркибининг морфологик таснифдаги лексик бирликларнинг учинчи кўриниши бу *-қўшма сўзлар*дир. И.В.Арнольд *қўшма сўзлар*ни тилда эркин шаклда учрайдиган камида икки ўзакдан иборат сўзлар сифатида таърифлайди. Инглиз *қўшма сўзлари* икки эркин қисмдан иборат бўлганлиги сабабли уларни иборалардан фарқлаш қийинчилик касб этади. *Қўшма сўзлар*ни иборалар ва ясама сўзлардан фарқлашга тилшуносликда турли ёндашувларни кузатиш мумкин. Е.Ниданинг таҳлилига асосан тилдаги луғат бирликларини аниқлашда уч турдаги критериялардан фойдаланилади:

- 1) фонологик;
- 2) морфологик;
- 3) синтактик.

Бунда ҳеч қайси критерий луғат бирлигини аниқлашда якка ўзи самара бера олмайди. Икки ёки ҳар уч критерийнинг ўзаро комбинацияси кутилган

натижага олиб келиши мумкин. И.В.Арнольд юқоридагиларга тўртинчи сифатида график критерийни қўшади. Зеро, ёзма нутқни эътиборга олмаслик унинг фикрича, хатодир. График критерий остида тилшунос қўшма сўзларнинг қўшилиб (*headmaster*), тире ёрдамида (*loudspeaker*) ва алоҳида (*match box*) ёзилиш шакллари назарда тутади;

Инглиз тилидаги хоҳиш-истак категориясини ифода этувчи қўшма отлар ушбу категория таркибига кирувчи отларнинг умумий сонининг 2% қисмини қўшма отлар ташкил этди. Буларга *monomania*, *megalomania*, *monomaniac*, *nymphomaniac* каби психологик атамалар билан бир қаторда оғзаки нутқда ўз акси ва ифодасини топган *shutterbug* (суръатчи-энтузиаст), *firebug* (мушакбозликка ихлос қўйган киши), *crosswordpuzzleitis* (бошқотирмалар ечишга нисбатан хоҳиш), *ain't-supposed-to-it-itis* (маъсулиятни ўзгалар зиммасига юклашга интилиш), *Phy-Beta-Kappa-itis* (талабаларнинг аристократик жамиятига қўшилишга нисбатан бўлган хоҳиш) киритиш мумкин. Келтирилган мисолларнинг таркибий қисми бўлган *-itis* суффикси касалликларнинг юнон тилидан кириб келган номлари - тиббиёт атамаларида учрайди (*appendicitis*, *arthritis*, *bronchitis*). Бу суффикс инсонлар онгида касалликлар билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли унинг ёрдамида ясалувчи сўзлар мотив берувчи сўз томонидан келтирилган нарсага нисбатан енгиб бўлмас хоҳиш, интилишни ифодалайди. Бундан ташқари от сўз туркумига кирувчи хоҳиш маъносини ифодаловчи қўшма сўзлар қаторига *man of pleasure* каби бирликларни киритиш мумкин.

Хоҳиш маъносини ифодаловчи сифат сўз туркумига оид сўзларнинг 4% улушини қўшма сўзлар ташкил этди. Ушбу қатордаги сўзлар асосан детерминанти сифат билан ифодаланган ва унга сифатдош қўшилган шакллардан иборат. Сифатдош I ёрдамида ясалган қўшма сифатларга *paintstaking* кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Сифатдош II иштирокида шакланган қўшма сифатларга *open-mouthed*, *long-wished*, *self-willed*, *ill-willed*, *good-willed* кабиларни мисол тариқасида келтиришни лозим топдик. Бизнинг фикримизча сифатдош II қисмидаги сўз

маъно жиҳатидан мос келувчи сўз билан алмаштирилиши рад этилмаса у ҳолда бу турдаги қўшма сифатлар сони кенгаяди {*long-wished, ill-willed, long-hoped, long-desired, ill-longed, ill-inclined* ва ҳоказо).

2.3. *Хошиш-истак категориясини ифодалаида паремиологик бирликлар*

Хошиш-истак категорияси тилнинг синтактик қатламида сўз бирикмалари билан бир қаторда фразеологик бирликлар воситасида ҳам кенг ифодаланади. Ушбу бирликлар инглиз тили фразеологиясининг қонуниятлари ва нормалари асосида шаклланган. Тадқиқ этиш учун хошиш семантикасини ифодаловчи фразеологик бирликларни танлаб олишда манба сифатида "Англо-русский фразеологический словарь" дан фойдаланилди. Фразеологик бирликларнинг структуравий хусусиятларини белгилашда А.В.Кунин томонидан ишлаб чиқилган тасниф асос сифатида қабул қилинди. Хошиш-истак категориясини ифода этувчи кенг қамровли инглиз фразеологик бирликларнинг хусусиятларини таҳлил этишда бирликларни структурал турларга эмас, балки структурал-семантик синфларга ажратиб кўриб чиқиш афзал кўрилди. Зеро, фразеологик бирликнинг маъноси унинг синтактик тузилиши чегарасидан чиқиши мумкин ва натижада маъно ва структуранинг оппозицияси келиб чиқиши кузатилади.

А.В.Кунин фразеологик бирликларнинг тўрт структурал-семантик синфини ажратади. Улар:

- 1) номинатив фразеологик бирликлар;
- 2) номинатив коммуникатив фразеологик бирликлар;
- 3) хис-ҳаяжонли ва модал фразеологик бирликлар;
- 4) коммуникатив фразеологик бирликлар.

Номинатив фразеологик бирликларни кўриб чиқамиз. *That's the card* (айни исталган нарса), *good will* (яхши ният), *ill will* (ёмон ният), *the lust of the flesh* (хирс), *a call of the nature* (табiiй заруратни қондириш истаги) каби номинатив-субстантив фразеологик бирликлар компонентларининг констант боғлиқлиги асосида шаклланган. Ушбу бирликларнинг ташкил этувчи қисмлари ўзининг ўрни бошқа эквивалент билан алмаштирилишини рад этади. Бу турдаги субстантив фразеологик бирликлар ўзгармасдир.

Men of good will, the desire of eyes, presidential fever каби субстантив фразеологик бирликлар компонентларининг констант-вариантли боғлиқлиги асосида тузилган. Бунда фразеологик бирликни ташкил этувчи компонентлардан бири алмаштирилувчи вариантга эга бўлиши мумкин. Субстантив фразеологик бирликларнинг лексик вариантларини хоҳиш семантикасини ифодаловчи қуйидаги мисолларда кўрсатиб ўтиш мумкин: *men of good will - people of good will* (яхши ниятли кишилар); *the desire of eyes - the light of eyes* (кўнгил истаги); *Presidential fever - Presidential bee* (президент бўлишга нисбатан кучли интилиш). Келтирилган мисолларнинг илк икки жуфтлиги от компонентлари ўзаро алмашган констант-вариантли субстантив фразеологик бирликларни намоён этса, сўнги мисол структурал синонимларнинг бир кўринишидир.

The gold fever номинатив субстантив фразеологик бирлик ҳам компонентларининг констант-вариантли боғлиқлиги асосида шаклланган бўлиб, грамматик варианты сифатида отдан олдин келган сифат аниқловчининг отдан сўнг келувчи аниқловчи билан алмашган бирлик келади: *the gold fever - the fever of gold* (олтин талвасаси).

Zeal without knowledge (is a runaway horse), Presidential bee (in ones bonnet) каби фразеологик бирликлар квантитатив вариантларга мисол бўлади.

A bee in one's bonnet (мания, кучли истак), *a cheap in one's shoulder* (муштлашишга нисбатан истак) каби номинатив субстантив фразеологик бирликларнинг компонентлари констант-алмашинув боғлиқликка эга бўлади. Бу турдаги фразеологик бирликларнинг компоненти сифатида, аксарият ҳолларда *one* (ёки *one's*), *somebody* (ёки *somebody's*) ва *something* олмошлари қатнашиши кузатилади.

Юқорида келтирилган номинатив фразеологик бирликларнинг асосий компоненти сифатида от сўз туркуми келади. Номинатив фразеологик бирликларининг адъектив турида асосий компонент сифат сўз туркумига оид бўлади. *Keen as mustard* (жуда қаттиқ хоҳловчи); *hungry as a hunter* (бўридек

оч) каби адъектив фразеологик бирликлар эргашганлик хусусиятига эга.

Номинатив фразеологик бирликларнинг яна бир тури адвербиал (равишли) фразеологик бирликлардир. Хоҳиш семантикасини акс эттирувчи *by a hair's breadth* (озгина бўлса ҳам); *with all one's heart* (жони билан, чин кўнгилдан) сингари равишли фразеологик бирликлар эргаш структурага эга. *Like a shot* (жони билан); *like one's o'clock* (жони билан) каби мазмунни кучайтирувчи равишли фразеологик бирликлар бир қатламли бирликларга кириши аниқланди.

Ask for the moon (имкони йўқ нарсани сўрамоқ); *be after somebody's blood* (бировнинг қонини, азобланишини хоҳламоқ); *make a bid for something* (бирор нарсага интилмоқ) каби мажҳул нисбатда ишлатилмайдиган феълли фразеологик бирикмалар номинатив турга киради.

Номинатив-коммуникатив синфга кирувчи феълли фразеологик бирликларга феъл мажҳул нисбатда қўлланилганида фразема гапга айланган ҳолатлар киради. Масалан, *expect much - much is expected*.

Хоҳиш-истак категориясини бойитувчи *well and good* сингари фразеологик бирликлар эргашган структурали модал фразеологик бирликлари синфига киради (*// he brings it off, well and good*).

Фразеологик бирликларнинг яна бир синфи коммуникатив бирликларни ташкил этади.

Коммуникатив фразеологик бирликларга тўлиқ предикатив гаплар киради. Ушбу синфга оид фразеологик бирликларни иккига бўлса бўлади: маталлар ва мақоллар. Хоҳиш категориясини ифодаловчи маталлар кўп сонли эмас эканлиги таҳлил натжасида аниқланди. Буларга асосан бирор нарсага ундовчи ва истакни ифода этувчи гаплар киради: *may your shadow never grow less* (узоқ умр кўришингизни тилайман), *more power to your elbow* (омад!), *God help him* (Худо ярлақасин), *Heaven forbid!* (Худо сақласин!). ушбу маталларнинг компонентлари ўзаро констант боғланган *one's heart is in the right place* (яхши ниятга эга бўлмоқ) каби маталларни ташкил этувчи компонентлар констант-вариантли алмашинувчи боғлиқликка эга.

Хоҳиш категорияси инглиз тилида маталларга нисбатан мақоллар воситасида кенгроқ ифода этилган.

All covet, all lose.

We soon believe what we desire.

The wish is father to the thought.

Where there is a will there is a way.

Appetite comes with eating.

If you run after two hairs, you will catch none.

He that will not when he may, when he will he shall have nay.

Do as you would be done by.

We are ever striking after what's forbidden, and coveting what is denied us

каби мақолларнинг компонентлари констант (ўзгармас) боғлиқликка эгадир. Бу турдаги мақоллар таҳлил этилган коммуникатив фразеологик бирликларнинг асосий қисмини ташкил этади.

Компонентлари констант-вариантли боғлиқликка эга бўлган қуйидаги мақолларда грамматик вариант кузатилади:

If wishes were horses might (would) ride.

If the sky fall (falls) we shall catch larks.

2.4. Хоҳиш-истак категориясини ифодалашнинг синтактик усуллари

Синтактик қатламда хоҳиш-истак категорияси шу қатламга оид бирликлар воситасида ўз ифодасини топади. Ушбу бирликлар махсус устқурмалар, сўз бирликларидан ташкил топган синтактик моделлар ёрдамида шаклланади. Тадқиқот натижасида хоҳиш категориясини ифода этишнинг синтактик усуллари сифатида сўз бирикмалари, фаол қатнашиши аниқланди.

Хоҳиш-истак семантикасига эга бўлган сўз бирикмалари бошқа турдаги синтактик бирликлардан ажратиб, танлаб олишда В.В.Бурлакова томонидан сўз бирикмасига берилган таърифдан келиб чиқилди. Ушбу таърифга кўра сўз бирикмаси деб сўз синфлари комбинаторикаси, уларнинг шакллари ва бир-бирига нисбатан муносабати нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқиладиган ҳар қандай грамматик мослашган гуруҳларини таснифлашда В.В.Бурлакова ўрганиладиган гуруҳларнинг фақат ички структурасидан келиб чиқиш тамойилига асосланади. Ушбу тамойилга мувофиқ ҳолда у инглиз тилидаги барча сўз бирикмаларини икки гуруҳга, ядроли ва ядросиз сўз бирикмаларига ажратади. Ядроли сўз бирикмаларида бир элемент иккинчисидан устунлик қилади. Маълум гуруҳ ичидаги ушбу элемент бошқа элементга боғлиқ эмас ва шу сабабли ушбу бирикманинг ядроси бўлиб хизмат қилади. Хоҳиш семантикасини ифода этувчи ядроли сўз бирикмаларига мисол тариқасида *ardent desire, to want desperately, to wish to do* сингари бирикмаларни келтириш мумкин.

Таснифни давом эттириб В.В.Бурлакова ядроли сўз бирикмаларини регрессив, яъни боғлиқ сўзларнинг ядронинг чап томонидда жойлашган ҳолати, ва прогрессив, боғлиқ сўзларнинг ядронинг ўнг томонида жойлашган турларига ажратади. Регрессив ва прогрессив ядроли сўз бирикмалари ўз навбатида ядронинг морфологик хусусиятларига кўра бошқа янада кичик гуруҳларга бўлинади. Хусусан, равиш ядрога эга бўлган сўз бирикмалари *very ardently, less greedily* мисолида кўрсатиб ўтилиши мумкин.

Ядроси сифат сўз туркумига оид сўз бирикмаларига мисол тариқасида *extremely yearned, strongly desired, much wanted* кабилар келтирилади. Субстантив, яъни от сўз туркумига оид ядроли регрессив сўз бирикмалари қуйидаги мисолларда намоён бўлади: *burning want, fervent desire, blinding heat*. Тадқиқот натижасида прогрессив ядроли сўз бирикмалари ҳам кенг қамровли эканлиги аниқланди.

В.В.Бурлакова тақлиф этган таснифга асосан хоҳиш категориясини ифодаловчи прогрессив сўз бирикмалари қуйидагича таҳлил этилиши мумкин: субстантив ядроли прогрессив сўз бирикмалари: *inclination to drive, desire to obtain*; сифат ядроли прогрессив сўз бирикмалари: *eager for fame*; феъл ядроли прогрессив сўз бирикмалари: *desire peace, wish desperately, want fearfully*. Келтирилган таснифдаги прогрессив сўз бирикмалари қаторидан ўрин олувчи яна бир турдаги сўз бирикмалари предлогли ядроли сўз бирикмаларидир. Инглиз тилининг лексик ва семантик қатламларини ўрганиб чиқиш натижасида ядросининг ўзи хоҳиш категориясини ифодаловчи предлог ядроли прогрессив сўз бирикмалари аниқланмади. Бунга сабаб тариқасида предлогларнинг хоҳиш семантикасини мустақил равишда ифодаламаслик ҳолати қабул қилинди.

Таснифнинг иккинчи йўналиши, яъни ядросиз сўз бирикмаларини ажратиш жараёни гуруҳ ичида ядронинг йўқлиги хусусиятига асосланади. Таснифни давом этиб В.В.Бурлакова ядросиз сўз бирикмаларини индипендент ва депендент бирикмаларга ажратади. Индипендент ядросиз сўз бирикмаларининг хусусияти шундаки, улар қўшимча контекст, фонсиз аниқланади. Бу турдаги ядросиз сўз бирикмалари бир синфли ва турли синфли бирикмаларга ажралади. Бир синфли ядросиз сўз бирикмалари боғловчили гуруҳлар ёки боғловчисиз гуруҳлардан ташкил топади. *Wish and hope; desire, or, love, or hate* туридаги сўз бирикмалари боғловчили ядросиз индипендент сўз бирикмаларидир. "*desire, lust, want*" каби бирикмалар боғловчисиз тузилган индипендент ядросиз сўз бирикмаларига мисол бўла олади. *She wanted; she lusted; I covet* сингари кўп учрайдиган бирикмалар

ядросиз индипендент сўз бирикмаларининг турли синфли турига кириб ўзаро боғлиқ бирламчи предикация асосида ясалади. Индипендент сўз бирикмаларидан фарқли равишда депендент ядросиз сўз бирикмалари ўз идентификацияси учун контекст талаб қилади. *Tireless diligent (man)* сингари хоҳиш категориясини ифодаловчи сўз бирикмалари аккумулятив бир синфли депендент ядросиз бирикмаларга киради. *Deep yearning (period)* каби бирикмалар депендент ядросиз сўз бирикмаларининг аккумулятив турли синфли кўринишига мисол бўла олади.

Ядросиз депендент турли синфли сўз бирикмаларига кирувчи (*asked*) *desparately for her telephone number, (he searched) the information desired, it shall be as you desire* каби бирикмалар ўзаро боғлиқ иккиламчи предикация асосида тузилган.

Юқоридаги таҳлилдан кўриниб турибдики, хоҳиш категорияси инглиз тилидаги сўз бирикмалари воситасида кенгдаржада ифодаланади.

2.5. Хоҳиш-истак маъносига эга бўлган лексик-семантик гуруҳлар

"Хоҳиш" маъносига эга бўлган лексик бирликларни функционал семантик таҳлил қилиш жараёнида ушбу категорияга оид инглиз тили луғат таркибига кирган "хоҳиш" маъносини ифодаловчи феълларнинг лексик-семантик гуруҳларини кўриб чиқиш амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга деб ҳисобладик. "Хоҳиш-истак" категориясига оид лексик-семантик гуруҳларни ажратишда Н.В.Нетяго томонидан тавсия этилган тизимли-парадигматик таҳлил этиш методидан фойдаланилди. ЛСГнинг таркибини аниқлашда "Англо-русский словарь" ва "Macmillan Student's Dictionary"дан келиб чиқилди. ЛСГ таркиби луғавий маъно элементларини умумлашган тушунчаларга олиб кириш йўли, яъни босқичма-босқич идентификациялаш методидан фойдаланиш орқали аниқланди. Асосий сифатида "хоҳиш" маъносига эга бўлган феъллар гуруҳининг ядросини ташкил этди. Ядронинг таркиби -14 феъл (*want, desire, wish, will* ва ҳоказо).

Want, desire феъллари асосий маъноси негизида имплицит равишда интилмоқ маъносини шакллантирган. Айнан шу маънога асосий сифатида эга бўлган феъллар гуруҳнинг ядроолди қисмини ташкил этди. Улар жами 23 феълдан иборат (*intend, die, mean, hope, aim* ва ҳоказо). "Хоҳиш" маъноси иккинчи даражали бўлган феъллар ЛСГнинг перифериясини ташкил этди (70та феъл). ЛСГда жами бўлиб 107та феъл иштирок этган.

Гуруҳ феълларининг маъно структураси қуйидагича: категориал-лексик маъно сифатида *want, desire* семалари келади. Ушбу семалар бир қанча аспектда аниқлаштирилади:

1) процессуал аспектлар, бунда жараённинг нисбий хусусиятлари аниқланади (сабаб, усул, натижа ва ҳоказо);

2) предметли аспектлар, бу ерда жараённинг функциялари ва предмети аниқланади. Содир бўлаётган барча иш-ҳаракатлар ва жараёнлар бу маъно структурасида кўриб чиқиляётган феълларнинг дифференциал

семантик кўрсаткичлари (ДСК) воситасида ўз ифодасини топади ва қуйидаги кўринишларга эга бўлади:

- 1) истакнинг кучлилиги;
- 2) вазият;
- 3) сабаб.

Таҳлил натижасида шу нарса аён бўлдики, ДСКлар сони кўп эмас ва барча феълларнинг ҳам маъноларининг таркибида учрайвермайди. Кўриб чиқиладиган гуруҳнинг хусусияти шундан иборатки, ядро таркибига ёки умумлашган маънога эга бўлган феъллар киради, *want, desire* сингари, ёки унинг таркибида юқори даражада конкретлашган феъллар қатнашади (*covet, lust*). Гуруҳ таркибида шундай феъллар мавжудки, уларнинг маъноси ичида махсус субъект иштирок этади, масалан, *lust* (хирс), *thirst* (сув) ва ҳоказо.

Биз махсус субъектни ифодаловчи отларнинг тематик гуруҳини ажратишга ҳаракат қилдик: 1) ният; 2) эҳтирос; 3) билим; 4) хирс; 5) бир нечта ичидан битта; 6) таом ёки ичимлик.

ЛСГ ичида баъзи феъллар бошқаларига нисбатан маъно жиҳатидан бир-бири билан яқинроқ, узвийроқ боғланган бир неча кичик гуруҳларни ажратиш мумкин. Биз қуйидагича оппозицияларни фарқладик:

маънодошлик оппозицияси: *want-desire, wish-will, long-crave, yearn-covet, thirst-hunger, choose-prefer, like-admire, die-ache, tempt-pant*.

Синонимик турдаги эквивалент оппозицияларини кўриб чиқишда биз нафақат умумкатегориал лексик семага эга бўлган феълларга, балки умумий дифференциал семантик кўрсаткичга ҳам эга бўлган феълларга ҳам асосландик. Демак, синонимик турдаги эквивалент оппозицияга қуйидагилар киритилди:

- 1) *choose, prefer* (ДСК "бир нечта ичидан биттага нисбатан хоҳиш");
- 2) *mean, look* (ДСК "ният");
- 3) *passion, oestrum, temptation* (ДСК "эҳтирос");
- 4) *thirst, hunger for* (ДСК "билим");

5) *lust, crave* (ДСК "хирс").

Кўриниб турибдики, хоҳиш маъноли ЛСГ таркиби етарли даражада кенг ва хилма-хилдир.

Боб бўйича хулоса

Тилга нисбатан структура элементлари ўртасидаги муносабатлар ва боғлиқликлар тизимига эга бўлган тизимли объект сифатида ёндашув тил бирликларининг функционал ва семантик хусусиятларининг бир-бирига боғлиқлигини тан олишга асосланади.

Тилнинг грамматик ва лексик воситаларини функционал-семантик майдон нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда ўрганиш тил тизимининг турли қатламларига оид бирликларнинг ўзаро муносабатини таърифлашда ёрдам беради.

Инглиз тилидаги хоҳиш категориясини тадқиқ этиш жараёнига майдон ёндашувини қўллаш тил материалини ўрганишни кенгайтириш, морфология, синтаксис ва лексика ўртасидаги қарама-қаршиликларни ечишга ёрдам беради.

Тизимли парадигматик метод асосида ажратилган хоҳиш категориясини ифодаловчи лексик-семантик гуруҳ ўзининг бой таркиби билан уни ташкил этувчи элементлар хоҳиш маъносини турли даражада ифодалаши аниқланди. ЛСГ таркибида қатнашган жами 107 феълдан 14 таси хоҳиш маъносини асосий маъно сифатида ифодалаб гуруҳнинг ядросини шакллантириши аниқланди. Қолган феъллар гуруҳ перифериясини ташкил этди.

Ундаш ва хоҳиш, истак маъноларининг бир-бирига яқинлиги ундашни ифода этишнинг умумий ва ўзига ҳос шакли бўлмиш императив хоҳиш, истакни билдириши учун имкон яратади.

Хоҳишни акс этувчи имплицит микромайдонда хоҳиш ҳиссиёти ва баъзи ҳолларда унинг объекти яширин тарзда ифодаланган бўлади ва мазмуни ўз аниқлигини атрофдаги вербал контекст ҳисобга олинганида топади.

Хоҳиш семаси эксплицит (очик) тарзда ифодаланган микромайдоннинг доминантаси бўлиб эргашган гаплар каби қурилмалар қатнашади. Бунда эргашган қисмида хоҳишнинг объекти ифодаланса, бош қисмида хоҳиш

ҳиссиётининг ўзи акс этади. Хоҳишнинг табиати ва ҳиссий бўялганлик даражаси феълнинг семантикаси билан белгиланади. Тилга нисбатан структура элементлари ўртасидаги муносабатлар ва боғлиқликлар тизимига эга бўлган тизимли объект сифатида ёндашув тил бирликларининг функционал ва семантик хусусиятларининг бир-бирига боғлиқлигини тан олишга асосланади.

Тилнинг грамматик ва лексик воситаларини функционал-семантик майдон нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда ўрганиш тил тизимининг турли катламларига оид бирликларнинг ўзаро муносабатини таърифлашда ёрдам беради.

Инглиз тилидаги хоҳиш категориясини тадқиқ этиш жараёнига майдон ёндашувини қўллаш тил материалини ўрганишни кенгайтириш, морфология, синтаксис ва лексика ўртасидаги қарама-қаршиликларни ечишга ёрдам беради.

Тизимли парадигматик метод асосида ажратилган хоҳиш категориясини ифодаловчи лексик-семантик гуруҳ ўзининг бой таркиби билан уни ташкил этувчи элементлар хоҳиш маъносини турли даражада ифодалаши аниқланди. ЛСГ таркибида қатнашган жами 107 феълдан 14 таси хоҳиш маъносини асосий маъно сифатида ифодалаб гуруҳнинг ядросини шакллантириши аниқланди. Қолган феъллар гуруҳ перифериясини ташкил этди.

Ундаш ва хоҳиш, истак маъноларининг бир-бирига яқинлиги ундашни ифода этишнинг умумий ва ўзига ҳос шакли бўлмиш императив хоҳиш, истакни билдириши учун имкон яратади.

Хоҳишни акс этувчи имплицит микромайдонда хоҳиш ҳиссиёти ва баъзи ҳолларда унинг объекти яширин тарзда ифодаланган бўлади ва мазмуни ўз аниқлигини атрофдаги вербал контекст ҳисобга олинганида топади.

Хоҳиш семаси эксплицит (очик) тарзда ифодаланган микромайдоннинг доминантаси бўлиб эргашган гаплар каби қурилмалар

қатнашади. Бунда эргашган қисмида хоҳишнинг объекти ифодаланса, бош қисмида хоҳиш ҳиссиётининг ўзи акс этади. Хоҳишнинг табиати ва ҳиссий бўялганлик даражаси феълнинг семантикаси билан белгиланади.

3 боб: Хошиш-истак маъносини билдирувчи лексик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари

3.1. Когнитив тилшуносликнинг асосий ҳолатлари

Когнитив тилшунослик инсон билимини ўрганувчи когнитология фани (билиш назарияси) билан тилшунослик ўртасидаги оралиқ, яъни сохалараро фандир.

Инсондаги билим, унинг қандай олиниши, қандай сақланиши, қандай узатилиши кўп фанларни қизиқтириб келади. Кейинги йилларда бу масала тилшуносларни ҳам қизиқтириб юборди, чунки инсондаги кўпчилик билимларнинг пайдо бўлишида, сақланишида ва узатишда тил муҳим воситадир. Тил (лосон) ва нутқ ўзларининг семантикасида, яъни бирликларининг маъноларида дунё ҳақидаги билимнинг бир қисмини акс эттиради. Масалан, борлиқдаги оламга нур ва иссиқлик тарқатувчи думалоқ нарса ўзбек тилида *куёш* сўзи маъносида акс этади.

Когнитив тилшуносликнинг вазифаси:

- 1) инсондаги билимларнинг пайдо бўлишида тилнинг ролини аниқлаш;
- 2) олам ва ундаги нарсаларни категориялаштириш (тушунчалар ҳосил қилиб турларга бўлиш), концептуаллаштириш (концептлар ҳосил қилиш) ва аташ (номинация) жараёнларини тушиниш;
- 3) концептуал система билан тил системаси ўртасидаги муносабатни аниқлаш;
- 4) оламнинг лосоний ва когнитив (коицептуал) тасвирлари билан боғлиқ бўлган масалаларни очиш (Маслова, 2008).

Ташқи ва ички оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг тилда ва нутқда акс этиши образли қилиб айтганда, оламнинг лосоний тасвиридир. Рус тилида у "языковая картина мира" деб аталади. Ташқи ва ички дунёдаги нарса ва ҳодисаларни конкрет тилда акс этишини эса "оламнинг миллий тилдаги

тасвири" (национальная языковая картина мира) деб аталади.

Оламнинг инсон онгида концептларда акс этишини когнитив тилшуносликда "оламнинг концептуал тасвири" (концептуальная картина мира) деб аталади.

Когнитив тилшуносликнинг энг асосий тушунчаси "концепт" тушунчаси бўлиб, у тил бирлиги эмас, балки онг бирлиги ҳисобланади. Концептларни инсондаги билим ҳазинаси деса бўлади. Когнитив лингвистикада концептни ҳамма тилшунослар тан олсаларда, уларнинг у ҳақидаги фикрлари турличадир (Қаранг: Сафаров Ш. 2006; Юсупов Ў.Қ. 2007)

Концепт тўғрисида гапирар эканмиз, маъно-тушунча-концепт муносабатлари ҳақида гапирмасликнинг иложи йўқ ва бунда биз анъанавий ҳисобланмиш маъно ва тушунча муносабатларидан бошлаш керак эканлигини англадик.

Тушунча концепт каби онг бирлигидир. Аммо у бирор предмет ёки воқеанинг бошқа предмет ёки воқеадан фарқини кўрсатувчи энг асосий белгиларини онгдаги акс этишидир. Тушунча концептнинг бир бўлаги бўлиб, тилда сўз ва сўз бирикмаси орқали юзага чиқади.

Маъно тушунчанинг тилдаги муқобилидир. Тушунча тилда сўз маъносида акс этади ва у тил ҳисобига бойиши мумкин (Бондарко А.В. 1978,82-83). Масалан, *чиройли* ва *гўзал* сўзлари битта тушунчани англатади, аммо иккинчи сўзда бу тушунча стилистик оттенка билан бойиган. Бундай ҳолатни кўпчилик синонимик қаторларга кирувчи сўз маъноларида кўриш мумкин. Сўз маъноси ичида семалар фарқланади. Сема - бу сўз маъносининг қисми бўлиб, у предмет ёки ҳодисанинг бирор белгисини тилдаги аксидир, концептда ва тушунчада у когнитив белги ҳисобланади.

Концепт - бу ташқи ёки ички дунёдаги бирор нарса ёки ҳодиса ҳақидаги онгимиздаги билимлар мажмуаси (сўзловчига маълум бўлган белгилари), у ҳақидаги образлар ва унга бўлган ижобий, салбий ёки нейтрал муносабатлардир. Масалан, ўзбек халқининг "она" концептининг мазмунини

лўнда қилиб баён қилинса, у фарзандли аёл тушунчасидан ташқари онанинг бизга маълум бўлган барча белги-хусусиятлари, вазифалари, оиладаги ва жамиятдаги ўрни ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Бу концептда образлар талайгина, шулардан биггаси киши туғилиб ўсган, у учун муқаддас саналган мамлакатнинг онага ўхшатилиши *Она Ватан, она юрт, она замин, она тупроқ, она ер* каби сўз бирикмаларида ифодаланган. Концептда онага бўлган муносибатнинг ижобий эканлигини куйидаги мақолда кўриш мумкин: *Она - меҳрибон, ота ғамгузор* (ЎХМ. 1980, 278). Айтиш лозимки, образ ва муносибат (баҳолаш) ҳамма концептларда ҳам бўлавермайди. Масалан, улар аниқ фанлардаги концептларда деярли учрамайди.

Бугунги кунда концепт тушунчадан кенг эканлигини барча мутахассислар тушунадилар. Концепт шахсга, коллективга, миллатга, ҳатто эркакларга, аёлларга, ёшларга ва кексаларга таалукли бўлиши мумкин. Аммо когнитив тилшуносликни асосан миллатга тегишли бўлган концептлар қизиқтиради.

Концептнинг кўп қаватли эканлиги ҳам кўпчилик томонидан тан олинади. Бу масалада В.А. Маслова бундай дейди: Концепт – многомерное образование, включающее в себя не только понятийно-дефиниционное, но и коннотативное, образное, оценочное, ассоциативное характеристики, которые должны быть учтены при описании концепта (В.А. Маслова 2001, 59)

Айримлар (Ю.С. Степанов. С.Г. Воркачëв ва бошқалар) концептга сўз этимологияси ҳақидаги ахборотни ҳам киритадилар. Юсупов У.К.бу фикрга қўшилмаслигини таъкидлайди ва уни куйидагича изоҳлайди. Агар шундай қилинса, концепт фақат индивидуал бўлмай қолади, чунки сўз этимологияси ҳақидаги ахборот фақат тил тарихи билан шуғулланувчи шахсда бўлади, когнитив тилшуносликни эса асосан миллат концептлари қизиқтиради.

Концептларни тилда ифодаланиши ҳақидаги фикрлар ҳар хил. А.Л. Бабушкин ва С.Г. Воркачевларга кўра. концепт ҳарқачон сўзлар орқали ифодаланади (Қаранг: Попова З.Д., Стернин И.А., 2006, 55). Яна бир бошқа

фикрга кўра концептни сўз орқали ифодаланиши шарт эмас (Попова З.Д., Стернин И.А. 2006, 55). В.И. Болотов фикрига кўра, у матнда ифодаланади ва у бундай матнни *коггема* деб атайди (Болотов В.И. 2008, 92).

Онгдаги концептлар ва уларнинг қисмлари бўлмиш тушунчалар тил ва нутк бирликлари семантикаси ёрдамида ташқарига чиқади. Бу бирликлар — сўзлар (туб, ясама, қўшма ва мураккаб сўзлар), фразеологик бирликлар, сўз бирикмалари. гаплар, паремиялар, нутк клишчелари, мураккаб синтактик бутунликлар, матнлар, шу жумладан фольклор матнлари ва хоказолар киради. Буларни айрим тилшунослар "концептнинг номинатив майдони" деб аташади.

Тушунча ва концептларнинг сони ҳамма тилларда бир хил эмас. Уларнинг бир қисми айрим миллатларда йўқ. Натижада лакуналар пайдо бўлади. Айрим тушунча ва концептлар бошқа тилдаги шерикларидан қисман фарқ қилиши ёки тўла ўхшаш бўлиши мумкин. Фарқларнинг сабаби миллий-маданий фарқларга, тилларнинг дунёнинг айрим қисмларини турлича бўлиши ва уларни турлича категориялаштириш ёки концептуаллаштириш миллатнинг илмий-техник тараққиёти даражасига бориб тақалади. Миллий-маданий фарқлар концепт таркибидаги когнитив белгилар ёки маъно таркибидаги семалар фарқларида ҳам кўринади. Масалан, машхур бўлиб кетган "бутерброд" концептини олайдик. Русларда "бутерброд" концепти "колбасали", "пишлоқли", "сариёғли", "катлетли" қаба когнитив белгиларга эга. Немисларда эса бу сўз фақат "сариёғли" когнитив белгисига эга, чунки немислар бутербродда фақат сариёғ ишлатадилар.

Концепт билан тушунчани айсбергга ўхшатиш мумкин. Агар концепт айсберг бўлса, унинг **сувдан** чиқиб турган қисми тушунчадир.

Концепт қисмлари тил бирликлари бўйлаб сочилиб кетган, шунинг учун концептни аниқлаш учун унинг номинатив майдонини аниқлаш керак ва кейин таҳлил қилиш керак.

Концептнинг мазмуни билан унинг таркибини адаштирмаслик керак. Концептнинг мазмунини когнитив белгилар йигиндисини ҳосил қилади.

Когнитив белгилар акс эттирилаётган предмет ёки ходисанинг алоҳида белгиларидир.

Концептнинг мазмуни майдоний принцип асосида тартибга солинганлиги барча когнитологларга маълум. У ядро ва периферияга эга. Когнитив белгиларнинг у ёки бу зонага тушиши ўша белгиларнинг ондаги ёрқинлик даражаси билан белгиланади.

Концепт тил оркали ифодаланганлиги учун уни унинг номинатив майдонини таҳлил қилиш оркали топилади. Бу ҳақида батафсилроқ диссертациянинг амалий қисмини таҳлил қилиш жараёнида тўхталиб ўтамиз.

3.2. Лингвомаданиятшунослик – когнитив тилшуносликнинг бир тармоғи сифатида

Маълумки, ҳар бир даврда ўз ривожланиш жараёнига кўра тилшунослик ва унинг турли соҳалари тараққий этган. Жумладан, XVIII асрда асосан қардош тиллар орасида қиёсий тарихий қарашлар мавжуд бўлган бўлса, ўтган асрда ҳукмрон бўлган структурал парадигманинг ўрнини антропоцентрик, функционал, когнитив ва динамик парадигмалар мажмуи эгаллади. Антропоцентрик парадигмада бу изланувчи қизиқишларининг англаш объектларидан субъектга ўтиш, бошқача қилиб айтганда инсондаги тил ва тилдаги инсон таҳлили тушунилади.

Замонавий тилшуносликнинг антропоцентрик парадигмасида қатор йўналишлар тараққий этмоқда, улардан когнитив тилшунослик ва лингвомаданиятшунослик бугунги кунда энг долзарб йўналишлар ҳисобланади. Когнитив тилшунослик тилни трансформацияланишида ва кодлаштирилишида когнитив механизм сифатида уни ўрганади. Бу тилшуносликнинг мақсади қабул қилиш жараёнини қай тарзда пайдо бўлиши, категорияланиши, таснифланиши ва дунёни ўз нуқтаи назаридан тушунишни ўз ичига олади.

Лингвомаданиятшунослик бу тилшунослик ва маданиятнинг ўзаро тўқнашуви асосида пайдо бўлган мураккаб илмий фан йўналишидир. У маданият билан тилнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсирини, тилни маданиятнинг феномени сифатида ўрганади. Бу миллий тил призмаси орқали дунёни маълум даражада кўриш, тилнинг маълум миллат ақл ва маданияти орқали намоён бўлишидир.


Кўпчилик мутахассисларнинг изоҳлашича, когнитив тилшунослик ва лингвомаданиятшунослик ягона умумий когнитив фанлар уюшмаси қолипи ичида раванқ топмоқда [Кубрякова,1994, №4.]. “Когнитив фан” термини ўз ичига жараёнларни биргаликда ўрганиш, уларни қабул қилиб қайта ишлаш,

сақлаш ва фойдаланиш, билимлар структурасини ташкил қилиб жамлаш, қолаверса, ушбу структураларни инсон мия фаолиятида шакллантириш учун бирлашган маълум илмий қарашлар мажмуини ташкил қилади. Когнитив фан математика, мантиқ, фалсафа, антропология ва тилшунослик билан узвий боғлиқдир.

Шунга кўра антропоцентрик парадигманинг юқорида санаб ўтилган икки йўналишларига “тил ва инсон” диадаси ҳосидир. Қолаверса, “концепт” ва “дунё тасвири” атамалари тилшуносликнинг ушбу йўналишларида алоҳида тушунча ва аҳамиятга эга.

Когнитив тилшуносликда концепт орқали хотиранинг оператив таркибий бирлиги, ментал лексикон, концептуал системалар ва мия тили, инсон тушунчасида акс этган дунёнинг барча тасвири тушунилади. Когнитив тилшунослик нуқтаи назарида концептлар онгда мужассамлашган, ҳамда инсон фикрлаши жараёнида онгида ҳосил бўладиган мураккаб бирликлардир. Бошқача қилиб айтганда, концептлар инсон билимини сақловчи бирликлар сифатида акс этади. Когнитив тилшуносликда концептлар дунё ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган концептуал системаларнинг тил ифодаси орқали намоён бўладиган бирликлардир [Пименова, М. В. , 2004, № 4.].


Шу тариқа когнитив тилшуносликда “тил ва инсон” диадаси “тил-инсон-онг” триадасига ўзгаради. Мисол тариқасида когнитив нуқтаи назардан “севги” концепти қисқача таҳлил қилинадиган бўлса, юқорида келтирилган изоҳларга асосан когнитив тилшуносликда у асосан фреймларга бўлиниб ўрганилиши мумкин. Масалан, севгини ижобий ва салбий туйғу сифатида иккига бўлиб изоҳлаш мумкин:



Бу орқали инсон онгида бу туйғу турлича талқин қилиниши ва у тил орқали турли лексик бирликлар билан ифодаланиши мумкин.

Лингвомаданиятшуносликда ҳам когнитив тилшуносликдаги каби концептуал тадқиқотлар муҳим ўрин эгаллайди. Когнитив тилшуносликнинг тадқиқот предмети бўлмиш когнитив концептдан фарқли ўларок лингвомаданиятшуносликнинг тадқиқот предмети бу маданий концептдир. Лингвомаданиятшуносликда концепт “маданий-онгли-лисоний” ифода тарзида англашилади.

Маданий концепт кўпқиррали ментал ифода ҳисобланади. Ю.С.Степановнинг фикрича, концепт бу инсон онгидаги маданиятнинг бир қисмидир ва шу орқали маданиятни инсоннинг ментал дунёсига киритади. [Степанов, 2001.]. Юқорида келтирилган антропоцентрик парадигманинг “тил ва инсон” диадаси лингвокультурологияда “тил–инсон–онг–маданият” конструкциясига ўзгаради. Бунга мисол қилиб яна “севги” концептини келтириш мумкин. Аммо бу ерда у лингвомаданиятшунослик нуқтаи назардан таҳлил қилинади. Бунда бу концептни учта йирик категорияга бўлиб ўрганиш ҳам мумкин:



Юқоридаги кластердан кўриш мумкинки, “севги” концепти жуда кенг маънога эга ва уни маданий жиҳатдан турли тушунча ва тасаввурлар орқали талқин қилиш мумкин. Жумладан, биргина фалсафий жиҳатдан олинадиган бўлса, “севги” концепти турли миллат ва маданиятда традиент→социал→моддий даража сифатида ўрганилиши мумкин. Бундан ташқари, бу концептнинг миллий-маданий хусусиятлари турли миллат адабиёти ва шериятида яққол кўзга ташланади. Масалан, ғарб халқларида бу концепт инсон зотиға нисбатан кучли эҳтирос ва ҳис-туйғуларни акс эттирса, шарқ мамлакатлари халқлари шеъриятида асосан буюк муҳаббат диний нуқтаи назардан аллоҳға қаратилган бўлади.

Шунингдек, сўнгги пайтларда когнитив концепт ва маданий концептни ўзаро фарқлаш ҳолатлари кузатилмоқда. Жумладан, Г.Г.Слышкин бу фарқларни қуйидагича ифодалайди:

- 1) Когнитологлар учун бир концепт бир тил бирлигига тўғри келади. Лингвомаданиятшунослар учун концепт бир қатор тил birlikлари ёрдамида ҳосил бўлиши мумкин.
- 2) Когнитологлар учун ҳар бир сўзнинг ўз концепти мавжуд бўлади. Лингвомаданиятшунослар учун концептнинг асосини маълум маданий ифодага эга бўлган birlikлар ташкил қилади. Е.В.Бабаеванинг фикрича, лингвомаданий концептнинг асосида қадрият ётади [Бабаева, 2004.]. Когнитив тилшуносликда эса асосий эътибор концепт турлари (фрейм, схема, сценарий каби)га қаратилади.

Шу тариқа, маданий концептнинг айнан қадриятни ифодаловчи томони уни когнитив концептдан фарқлаб туради. Қолаверса, когнитив тилшуносликнинг вазифаси концептлар турини аниқлашга қаратилган бўлса, лингвомаданиятшунослик изланишлар натижасида маданиятлар, қадриятлар тушунчалари билан бойитилган концептлар луғатлари вужудга келади.

Ўтган асрнинг охирида тилшуносликнинг атамалари қаторига яна бир атама “дунё тасвири” атамаси киритилди. Дунёнинг тасвири бу инсоннинг онгида ривожланиш фаолияти жараёнида пайдо бўлган дунёнинг умумий кўринишидир. Дунё тасвири турли фанларда турлича шаклланган бўлади. Замонавий тилшуносликда эса бу атама “дунёнинг лисоний тасвири” деб юритилади ва у орқали тилда акс этган дунё ҳақидаги билимлар тўплами тушунилади.

Когнитив тилшунослик билан боғлиқ бўлган тадқиқотларда дунёнинг лисоний тасвири билан дунёнинг концептуал тасвирини фарқлаш муҳим ҳисобланади. Дунёнинг концептуал тасвири дунёнинг лисоний тасвирига нисбатан кенгроқ ва бойроқ концептлар мажмуига эгадир.

Лингвомаданиятшуносликда тилда мураккаб қадриятларни ўрганиш билан бирга дунёнинг маданий тасвирини кўриб чиқиш талаб қилинади.

Дунёнинг маданий тасвирини ўрганишда лингвомаданиятшуносликнинг мутахассислари (Теребихин Н.М., Топорова В.Н., Гачев Г.Д.) қатор ҳолатларни келтирадилар:

- 1) тилда дунёнинг маданий тасвири ўз ичига умуминсоний ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини қабул қилади;
- 2) дунёнинг маданий тасвирида тилда сақланувчи ва қўлланилувчи маданиятга хос бўлган маънолар, маданий-қадриятли доминантлар, маданиятнинг маълум турларини ҳосил қилувчи тушунчалар мавжуд бўлади;
- 3) дунёнинг маданий тасвири бир тил маданияти қолипида ягона тасаввурни ифодаламайди, чунки турли миллат вакиллари турли қадриятларга эга бўлиши мумкин;
- 4) дунёнинг маданий тасвири нафақат индивидуал балки жамоавий онгда мавжуд бўлади [Карасик, 1996.].

Шу тариқа лингвомаданиятшунослик дунёнинг умумий тасвиридаги қолипида дунёнинг маданий тасвирини тил нуқтаи назаридан ажратишни кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, когнитив тилшунослик ва лингвомаданиятшунослик асосида ҳам қатор йўналишлар ривож топмоқда. Масалан, ўтган асрнинг охириги ўн йиллигида когнитив тилшунослик ва политологиянинг асосида сиёсий мураккаб мулоқот бирликлар мужассамлашган дискурсни ўрганадиган сиёсий тилшунослик йўналиши вужудга келди. Шу вақтнинг ўзида лингвомаданиятшуносликда ҳам фалсафий ном билан қадриятларни ўрганувчи аксиологик тилшунослик янги йўналиши равақ топди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, когнитив тилшунослик ва лингвомаданиятшуносликнинг асосий тушунчалари бўлмиш “концепт” ва “дунё тасвири” ни тилшуносликнинг бу икки йўналишида ўзига хос умумий ва фарқли жиҳатлари қисқача тарзда назарий жиҳатдан таҳлил қилинди. Таҳлил натижасида когнитив тилшунослик ва лингвомаданиятшуносликнинг умумий жиҳатлари қилиб бу

иккала йўналишда бир хил атамаларнинг ишлатилиши, тилга бўлган интегратив ёндашуви, концепт ва дунё тасвирини тадқиқ қилишда “тил ва инсон” диадасига бўлган катта эътиборни келтириш мумкин. Бошқа тарафдан эса бу тушунчаларнинг тилшуносликнинг ушбу йўналишларида ўзига хос чегара ва маълум концептуал ва маданий қолиплар асосида қўлланилиши ва ифодаланишини кузатиш мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, лингвомаданиятшунослик тилшуносликнинг замонавий йўналишларида бири ҳисобланиб, унда тил ва маданиятнинг ўзаро алоқалари акс этади. Ушбу йўналишнинг янги бўлганлиги сабаб, унинг ҳар томонлама тўлалигича ўрганилмаганлиги ва ҳар хил фикр ва қарашларнинг мавжудлиги ҳали кўплаб илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

3.3. Хошиш-истак маъносини билдирувчи лексик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари

Тилда мустаҳкамланган ва ифода этилган халқ маданиятининг намоён бўлишини тадқиқ қилувчи лингвомаданиятшуносликни бугунги кунда тилшуносликнинг мустақил ва жадал ривожланувчи йўналиши деб ҳисоблаш мумкин.

Лингвомаданиятшунослик когнитив тилшуносликнинг асосида ривожланиб тил ва маданиятнинг мураккаб ва кўп аспекти ўзаро муносабатларини тадқиқ қилади. Тил, тафаккур ва маданиятнинг ўзаро алоқалари воқеликнинг билиш жараёнини акс этади. Жамиятнинг юксак максадларидан бири маданиятни яратиш, тил эса маданиятнинг мукамаллиги ва ривожланиш даражасини акс этади. Тилнинг семантик бирликларининг ўзига хос хусусиятларини аниқловчи ва "дунёнинг лисоний манзара"сини акс этувчи маданий-этник компонент лингвомаданиятшунослик концептларни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Концепт инсон онгида тил ва маданиятни бир-бирига бирлаштиради. Шунинг учун унинг мазмунига факат лисоний эмас, шунингдек маданий бирликларни ҳам киритиш зарур. Тил билан концепт ўртасидаги муносабатлар кўплаб лингвомаданиятшуносликка оид тадқиқотларда таъкидлаб ўтилган (Бабушкин 1996, Попова, Стернин 2000, Воркачев 2004 ва б.). Тил инсон онгида концептнинг шаклланиш воситаларидан бири ҳисобланади. Концепт билан боғлиқ бўлган лисоний воситалар концептнинг лисоний тушунчалари, вербал воситалар деб аталади.

Концептуализация ва категоризация назариясида "концепт" терминининг кенг тарзда қўлланилишига қарамасдан, замонавий тилшуносликда мазкур терминнинг тадқиқотчи олимлар томонидан ҳар хил изоҳланишини кузатишимиз мумкин.

Концептнинг лингвомаданиятшунослик ўзига хос хусусиятлари унинг аниқ бир маданият миқёсида шаклланишидаги маданиятшунослик омилларни аниқлайди ва концептнинг лингвомаданиятшуносликка оид аспекти сифатида тадбиқ этилади.

Шу ўринда концептларнинг ҳар хил лисоний даражадаги бирликлар, улардан лексемалар, фразеологизмлар, мақол, матал ва афоризмлар ёрдамида ўзининг вербал аксини топишини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Ҳар хил лисоний воситалар ёрдамида концептнинг вербал усуллари тадқиқ қилишда унинг мазмунини аниқлаш энг муносиб усуллардан бири ҳисобланади.

Концептнинг системали тузилишини тадқиқ қилишда унинг ҳар хил белгиларига кўра, уни типларга ажратади: макроконцептлар (умуминсоний тушунча ва миллий характерга эга), гиперконцептлар (умуммаданий феноменлар ментал феноменларга нисбатан кўп миқдорда), гипоконцептлар (майда, ажралмас концептлар). Концепт тузилишидаги конституентлар концепт майдонини ҳосил қилади.

Маълумки, бугунги кунда лингвомаданиятшуносликда "миллий концепт сфераси" термини кенг тарзда қўлланилмоқда. Концепт сфераси - бу конкрет миллат учун характерли ҳисобланган концептларнинг йиғиндисидир, Концепт ўзида концептуал бўлак, элементларни тақдим этади. Унинг элементлари конкрет коммуникатив жараёнларда ўзларини намоён қилади.

Концептни таърифлашда ҳар хил қарашларни умумлаштириб, биз унинг белгиларини қуйидаги тарзда тақдим этамиз:

- 1) концепт - бу ментал тузилиш;
- 2) концепт миллий маданият ва инсоннинг индивидуал тажрибаси билан якин муносабатда;
- 3) матннинг алоҳида концептлари майдонли тузилишга эга концепт сферасига бирлашиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, концепт терминини изоҳлашда кўплаб фикр ва қарашларнинг мавжуд эканлигини эътироф этиш мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, лингвомаданиятшунослик тилшуносликнинг замонавий йўналишларидаи бири ҳисобланиб, унда тил ва маданиятнинг ўзаро алоқалари акс этади. Ушбу йўналишнинг янги бўлганлиги сабаб, унинг ҳар томонлама тўлалигича ўрганилмаганлиги ва ҳар хил фикр ва қарашларнинг мавжудлиги ҳали кўплаб илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Ҳозирги кунда чет тилини билиш, уни мукаммал ўрганиш замон талабига айланиб бормокда. Маълумки, ҳар бир киши миллий урф-одат, тил, тарих, адабиётни ўз ичига олган аниқ бир маданиятга тегишлидир. Мамлакатлараро иқтисодий, маданий, илмий алоқалар тилни маданиятни акс этувчи восита деб талқин этилишига олиб келди. Э.Сепир таъкидлаганидек, тил - бу маданиятни ўрганишда йўл кўрсатувчи воситадир.

Тилни ўрганаётганда фақат сўзларни, гапиришни эмас, балки тили ўрганилаётган мамлакатнинг маданияти, аҳолисининг дунёқараши, ҳаёт тарзи, урф-одатлари ҳақида билиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса ўз навбатида тилшуносликда янги бир соҳа пайдо бўлишига, яъни лингвомаданиятшуносликнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Лингвомаданиятшуносликнинг вазифаси тил ва маданият муносабатларини, тилда маданиятнинг акс этишини, маданиятлараро мулоқотни ўрганишдан иборат.

Лингвомаданиятшуносликнинг асосий тушунчаси лингвокультуремадир.

Лингвокультурема - бу ўз семантикасида (маъносида) маданиятнинг бирор бўлагини акс эттирувчи тил ёки нутқ бирлиги. (Юсупов). Лингвокультуремаларга маданиятнинг бирор бўлагини акс эттирувчи сўзлар (туб, ясама, кўшма ва мураккаб сўзлар), фразеологик бирликлар, сўз бирикмалари, гаплар, паремиялар, нутқ клишчелари, мураккаб синтактик бутунликлар, матнлар, шу жумладан фольклор матнлари ва ҳоказолар киради. Лингвокультурема мазмун ва ифода планига эга. Ифода планини юқорида кўрсатилган бирликлар, мазмун планини эса ўша бирликларнинг семантикаси ташкил килади. Демак, лингвокультурема концептдан ўзининг

тил ёкн нутқ бирлиги эканлиги билан, ифода ва мазмун планига эга эканлиги билан фарқ қилади.

В.А.Маслова лингвокультуреманинг 9 хили мавжудлигини таъкидлайди:

1. Эквивалентсиз лексика; 2. Мифологик тил birlikлари; 3. Тилнинг паремиологик фонди; 4. Тилнинг фразеологик фонди; 5. Рамзлар, стереотиплар; 6. Метафора ва тил образлари; 7. Тилнинг стилистик мазмуни; 8. Нуткий хулк-атвор; 9. Нуткий этикет.

Ушбу ажратилган birlikлар орасида биз учун истак-хохиш маъноси билан ажратилган лексик birlikлар алоҳида аҳамиятни касб этди.

Ўзбек тилидаги дуолар, олқишлар, халқ мақоллари, ибораларда ижобий истак мазмуни ҳам ифодаланади. Айниқса, бу хусусият дуолар, олқишлар ҳамда муомалада қўлланувчи нуткий этикетлар мазмунига хосдир. Бу эса бундай тил birlikларини «Ижобий истак мазмунини ифодаловчи birlikлар» номи остида ўрганишга имкон беради.

Бу бобда тилимизда қадимдан қўлланиб келган ижобий истак birlikларитаркибидаги лексемаларнинг семантик табиатини ва уларда ифодаланганмазмунга кўра турлари, ёшга ва жинсга нисбатан фарқли қўлланиши каби ўзига хос айрим хусусиятларини ёритишга уриндик. Ижобий истак birlikлиги сифатида фраземаларнинг ишлатилиши, бу хил birlikларда маъно кўчиш ҳодисаси ҳам таҳлил қилинди.

Ижобий истак мазмунини ифодаловчи birlikларда қуйидаги усуллар билан маъно кўчиши ҳодисаси учрайди:

а) *метафора усулида маъно кўчиши*: Иштаҳангиз карнай бўлсин! (Сўзлашувдан); Қанотинг қайрилмасин! Пиру бадавлат бўл! (Сўзлашувдан)

б) *метонимия йўли билан маъно кўчиши*: *Пирлар мададкор булсин!* (Сўзлашувдан) *Суйганинг - қўй, кўрганинг - тўй берсин!* (Сўзлашувдан)

Жумлалардаги *суйганинг, кўрганинг, пирлар* сўзлари метонимик маънода қўлланган. Чунки *суйганинг* сўзи истеъмол қилганинг, *кўрганинг* сўзи ҳаётда кечирганинг маъносида, *пирлар* сўзи кекса авлиёлар маъносида қўлланган;

в) синекдоха йули билан маъно кўчиши; *Илоҳим ҳеч кимни тирноққа зор қилмасин. (Сўзлашувдан) «қўл-кўзинг дард кўрмасин илойим», - деди хола меҳр билан. (С.Зуннунова)*

Бу мисолларнинг биринчисида *тирноқ* сўзи бола маъносида, иккинчисида *қўл-кўзинг* бутун тана маъносида қўлланган.

Бу хил бирликлар таркибида сўз маъноларининг кенгайиши ходисасини ҳам кузатиш мумкин: *Ўқиган дуоларимизнинг савоби шу ердан ўтганларга тегсин. (Сўзлашувдан) Қани, бир дуо қилайлик. Юртимиз сувга сероб бўлсин. (С.Ахмад)* Мисоллардаги дуо сўзи «Куръон ояти» маъносини ва «яхши тилак билдириш» маъносини ифодалаган. Шунингдек, *бошинг(из) туйдан чиқмасин* жумласида қўлланган тўй сўзи *никоҳ, тўйи, суннат тўйи, ҳосил тўйи, ҳовли тўйи* каби иборалар таркибида ҳам ишлатиладики, бу мазкур сўзнинг маъноси кенгайганидан далолат беради.

- Маълумки, фразеологик бирликлар оддий сўзлардан фарк қилади. Улар воқеа-ходисани номлаш учун эмас, балки унга нисбатан модал муносабатни ифодалаш мақсадида юзага келади. Улар кишининг хатти-ҳаракатини баҳолайди. Фразеологик бирликларнинг маъно таркибида кўпинча коннотатив элемент иштирок этади. Бу элемент фразеологик бирликларнинг денотатив маъносига ҳиссий-экспрессив буёқдорликни юклайди .

Ижобий истакни ифодаловчи бирликлар фразема шаклида қўлланганда ёки уларнинг таркибида фраземалар қатнашганда, бундай бирликлар ҳам мазмунан, ҳам услубий жихатдан таъсирчанликка эга бўлади.

Ўзбек тилида шундай ижобий истак мазмунини ифодаловчи содда гаплар борки, уларда ижобий истак айнан унинг таркибидаги фразема маъносидан англашилади. Бундай гапларда кесим ибора билан ифодаланганлиги сабабли. гап мазмунан эспрессивликка эга бўлади.

Масалан: *Назирага кўз тегмасин, жуда сулув бўлибди. (С. Ўнар) Бу никоҳга ўзинг рози бўлдинг. Энди ёшларнинг юлдузи юлдузига тўғри келсин. (И. Рахим)*

Маълумки, муайян тил ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари ўрганилганда, сўзловчининг қандай социал гуруҳга мансублиги, касби, машғулоти каби омиллар қаторида унинг ёши ва жинси ҳам эътиборга олинади. Ижобий истак мазмунини ифодаловчи бирликларнинг ёшга ва жинсга кўра ҳам фарқли қўлланиш ҳолатлари кузатилади.

Шуниси характерлики, -гур аффиксли майл шакли қатнашган бирикма ўзбек тилида асосан катта ёшдаги шахслар томонидан қўлланади. Уларга, *барака топгур (умрингдан барака топгур), боланг кўпайгур, бой бўлгур, уйингга бугдой тўлгур, омон бўлгур, умринг узок бўлгур, бошинг тошдан бўлгур, буйинг чўзилгур* бирликларини мисол сифатида келтириш мумкин.

-гур аффиксли ижобий истак бирликлари, шунингдек, аёллар нутқида ҳам фаол қўлланади. Одатда, қарғишни ифодаловчи -гур аффиксли бирликлари бўлишсиз шаклида қўллаш аёллар нутқи учун ҳос бўлиб, бунда ижобий истак билдиради: *башаранг қурмагур, куриб кетмагур* каби.

Бу хил қурилмаларда салбий истак маъноси кучсизланиб, нейтрал ҳолдаги истак мазмуни ифодаланади: *Эй, қуриб кетмагур, нега индамадинг шу вақтгача? Башаранг қурмасин, тезроқ кета қолмайсанми!* (Ў.Хошимов)

Бундай бирликларга яна бўйнинг узилмагур, тинмагур, ўлмагур сўз ва сўз бирикмаларини ҳам мисол сифатида келтириш мумкин. Аёллар нутқида ижобий истак ифодаловчи нутқий бирликлар ранг-баранг бўлиб, улар -(а)й,

-син каби майл шаклларида ҳам берилади: *Айланай, буйингга қоқий, садаганг кетай, онагинанг айлансин, онанг қоқиндиқ , бўйингдан ўргулай* каби бирликлар ҳам асосан аёллар нутқида ишлатилади: *-Хуш келибсиз, - деди Офтоб ойим ... –Хушвақт бўлинглар,айланай, қих... -деди хотин.* (А.Қодирий) *Вой буйингга қоқий. Вой садаганг кетай! дедиу.* (Ў.Умарбеков) *Вой онагинанг айлансин, кел-кел, бўйингдан ўргилай! (Саид Ахмад) Ўктамжон, онанг қоқиндиқ тинчгина ухла! (Ойбек)*

Диссертацияда ижобий истак бирликлари уларнинг мазмуний хусусиятларига, нутқий шароитга ҳамда реал воқелик билан боғланишига

кўра тасниф қилиниб, қуйидаги хулосаларга келинди: дуо ва олқиш шаклидаги кўплаб ижобий Истак бирликлари реал воқелик биланбевосита боғланмай, метафорик мазмунни юзага келтиради: *Тупроқ олсанг, олтин бўлсин! Ҳамёнингга Хизр Назар солсин. Олгин-у, олдирма, солгин-у, солодирма, кўзлаганинг кумуш, тишлаганинг бол, душанларинг лол бўлсин, оллаҳу акбар!*

Метафорик мазмун ифодалаш фольклор асарлари тилига хос бўлиб, бу, айниқса, мақол ва маталлар, топишмоқлар ҳамда олқишлар тилида яққол кўринади. Уларда яширинган мазмун асосан экстралингвистик асослар оркали англашилади .

Тадқиқотда ижобий истак мазмунини ифодаловчи бирликларнинг семантик хусусиятлари ўрганилиб, қуйидагича тасниф қилинди:

1.Юртнинг тинч, фаровон бўлишини тилаш мазмунидаги ижобий истак бирликлари: *Омин, юртимиз тинч, хонадонимиз обод бўлсин!* (Сўзлашувдан) *Мустақиллигимиз абадий бўлсин!* (И.Каримов)

2.Саломатлик ва узоқ умр тилаш мазмунини ифодаловчи ижобий истак бирликлари: *Сог бул(инг). Дунё тургунча тур(инг).* (Сўзлашувдан)

3.Тўй ва юбилейларда айтиладиган, муборакбод этиш мазмунини билдирувчи ижобий истак бирликлари: *Тўйлар муборак!* (Сўзлашувдан) *Биз камтар, бағри кенг, меҳнаткаш олимни табарруқ етмиш ёши билан қутлаб, унга узоқ, умр, соғлик-саломатлик, илмий ишларида янги муваффақиятлар тилаймиз.* (“Ўзбек тили ва адабиёти” журналидан)

4.Фарзанд билан боғлиқ ижобий истак мазмунини ифодаловчи бирликлар: *Қозон тўла ош берсин, ёстиқ тўла бош берсин.*

5.Дастурхон атрофида айтиладиган ижобий истак бирликлари: *Омин, қадам етди, бало етмасин. Ош берганга бош берсин, кетмас давлат, кенг феъл берсин.* (Сўзлашувдан)

6.Оқ йўл тилаш мазмунини ифодалаган ижобий истак бирликлари: *Ой бориб, омон кел(инг). Йўлинг(из) беҳатар бўлсин. Оқ йул!* (Сўзлашувдан)

7.Иморат куриш олдидан айтиладиган ижобий истак бирликлари: *Омин.*

Бошлаган ишларингга Олло мададкор бўлсин, ишларинг бароридан келсин, Ҳазрати Нуҳ ўзи қўлласин! (Сўзлашувдан)

8.Байрам билан муборакбод этиш мазмунини ифодаловчи ижобий истак бирликлари: *Янги йил билан! Ҳайит муборак бўлсин!*

9.Оллоҳга илтижо мазмунини ифодаловчи ижобий истак бирликлари: Ё Оллоҳ, ўзинг ёрлақа! Охиратимизни обод қилгин. *(Сўзлашувдан)*

10.Таскин бериш мазмунини ифодаловчи ижобий истак бирликлари: *Худо раҳмат қилсин! Худо сабр берсин! кўрган-кечирганинг(из) шу бўлсин. (Сўзлашувдан)*

11.Қутлаш, табриклаш мазмунини ифодаловчи ижобий истак бирликлари: *Унвон муборак бўлсин! Янги уйлар муборак.*

12.Иш жараёнига алоқадор ижобий истак бирликлари: *Ҳорманг! Хирмонга барака. Олло мададкор бўлсин! (Сўзлашувдан)*

13. Расм-одат ифодаловчи ижобий истак бирликлари. *Хуш келибсиз. Хушвақт бўл(инг). Иштаҳанг(из) карнай бўлсин! Хайрли кеч! Яхши тушлар кўр(инг). (Сўзлашувдан)*

14. Ижобий модал муносабатни ифодаловчи бирликлар: *Айланай, ўргулай, жоним тасаддуқ бўлсин каби.*

Ўзбек халқ мақолларидаги феъл — кесимнинг морфологик хусусиятларини таҳлил қилишдан маълум бўлдики, кесими буйруқ-истак майлида қўлланган мақол ва маталларнинг мазмунидан деярли ижобий истак англашилади. Бунда феъл — кесим икки хил шаклда қўлланганини кузатиш мумкин:

1. Буйруқ — истак майлидаги феъл бўлишли шаклининг кесим сифатида қўлланиши.

2. Буйруқ — истак майлидаги феъл булишсиз шаклининг кесим сифатида қўлланиши.

Биринчи ҳолатда феъл — кесим II ва III шахсларда қўлланади. Кесими II шахсда қўлланган мақоллар, асосан, худога илтижо тарзида бўлиб, мақолдан ижобий истакнинг амалга ошишини сўраш мазмуни англашилади. Масалан:

Уйқуни тинчдан. бер, ўлимни кечдан бер. (Мақол)

Иккинчи ҳолатда қўлланган феъл — кесимли мақоллардан ҳам айнан шу мазмун англашилади: *Қиш ўлдирма, ёз ўлдир, оч ўлдирма, тўқ ўлдир.* (Мақол)

Феъл — кесими III шахсда қўлланган мақоллардаги ижобий истак мазмуни умумга тегишли эканлиги билан характерланади.

Биринчи ҳолатда қўлланган феъл — кесимга мисоллар: *Ўлдирса ҳам ош ўлдирсин.* (Мақол) *Ўғил бўлсин, қиз бўлсин, қўл—оёғи тез бўлсин.* (Мақол) *Чумчуқ суйса ҳам қассоб сўйсин.* (Матал)

Иккинчи ҳолатда қўлланган феъл — кесимга мисоллар: *Гўрингдан сув чиқмасин, уйингдан қув чиқмасин.* (Мақол) *Ёмонга ишинг тушмасин, қулонга қушинг тушмасин.* (Мақол) *Қариндошинг ўлса ўлсин, қадрдонинг ўлмасин.* (Мақол)

Ушбу диссертацияда биз инглиз ва ўзбек тилларида хохиш-истак маъносини билдирувчи лексик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятларини тадқиқ қилишда фразеологик бирликлардан, айнан мақоллардан фойдаландик. Чунки фразеологик бирликлар ўша тилда сўзлашадиган инсонларнинг узоқ ва яқин ўтмиши, урф-одатлари ва ҳозирги яшаш тарзи ҳамда орзу-интилишлари билан узвий боғлиқдир. Айнан фразеологик бирликларда ўша халқнинг миллий – маданий хусусиятлари яққол намоён бўлади. Демак, миллий – маданий хусусиятлар ҳар бир халқнинг ўзига хослигини ифодалайди.

Инглиз тилидаги “ *Want of wit is worse than want of wealth*” (Ақл истамоқ бойлик истамоқдан ҳам баттар) ўзбек тилидаги “*Илм олиш – нина билан қудуқ қазиш демак*”, рус тилидаги “*Идти в науку – терпеть муку*” мақолларига мос келади. Бу мақол ҳар қиёсланаётган тилда қадимдан зиёли одамларга берилган баҳо бўлиб, илмий фаолият олиб бормоқчи бўлган шахсларга қаратилган. Тарихдан бизга маълум-ки илмий фаолият олиб

бориш, ижод билан шуғулланиш жуда ҳам мураккаб кўп меҳнатни талаб қиладиган жараён. Ҳалқимиз зиёли шахсларни ҳар доим ардоқлаб келган ва ардоқламоқда.

Яна бир мисол: *“Want is the mother of industry”* (Хоҳиш тиришқоқлик онаси). Бу мақол билимга чанқоқ инсонларга нисбатан қўлланилади ва ўзбек тилидаги *“Тиришганинг тўқмоғи тошга чега қоқар”* ва рус тилидаги *“Голь на выдумки хитра”* мақолларига мос келади. Таҳлилга жалб қилинган мақол ҳам қадимдан зиёли шахсларга берилган баҳо, яъни билимга чанқоқлик маъносини англатади..

Инглиз тилидаги *“Where there is a will there is a way”* (Хоҳиш бўлса чора топилар) номли мақола ўзбек тилида *“Интилганга толе ёр”*, рус тилида эса *“Где хотее, там и умение”* мақолларга мос тушади..

Уччала ҳалқда ҳам меҳнатни қай даражада улуғланишини яққол кўришимиз мумкин.

Худди шу маънони акс этилиши қўйидаги мақолларда ҳам учрайди:

“If you touch pot, you must touch penny” (Агар хумни қўлга олсанг, пулни ҳам олишга мажбурсан). Ўзбек тилидаги муқобили – *“Текинга мушук ҳам офтобга чиқмайди”*; рус тилида ушбу мақол қўйидаги мақолга мос тушади: *“Даром ничего не даётся”*.

Булардан ташқари инглиз тилидаги шарт майли структурасидаги гап мақол тарзида *“If there were no clouds we should not enjoy the sun”* (Агар булутлар бўлмаганда қуёшнинг қадрига етмасдик) қўйидаги маъноларни беради: ўзбек тилида – *“Ари чақади деб аразлама, боли бор”*, рус тилида: *“Любишь смородину, люби и оскомину”*. Берилган мақоллар ҳаётда инсонлар учун қийинчиликлар пайдо бўлганида сабр, бардош билан қабул қилинса яхшилик ғалаба қилиб, қилинган ишларни барчаси роҳат бағишлайди деган маънони англатади.

Қўйидаги инглиз тилидаги мақол *“He that desires honour is not worthy of honour”* (Шон-шавкатни талаб қилган – унга муносиб эмас) инкор маънони беради ва улар қиёсланаётган тилларда муқобилларини санаб ўтамиз, ўзбек

тилида: “*Шухратпараст эл бўлмас қўлмок сувдан қўл бўлмас*”.

Таҳлил жараёнижа жалб этилган барча мақоллар қиёсланаётган тиллар халқларига ҳос бўлган урф - одатларни, уларнинг яшаш тарзини, маданиятини ўзида мужассамлаштирган.

Боб бўйича хулоса

Хошиш-истак маъносини қиёсланаётган тилларда миллий маданий хусусиятларини ўрганиш, дунёнинг концептуал кўринишида ушбу маънонинг ролини аниқлаш когнитив тилшуносликнинг асосий бўғинларидан биридир. Тил ва маданият муаммосини ўрганиш доимо долзарб масала бўлганлиги сабабли хошиш-истак маъносини ўрганишда когнитив тилшунослик ва лингвокультурология муҳим омил ҳисобланади.

Хошиш-истак категориясининг таҳлилида миллий-маданий омилни ҳисобга олиш, дунёни кўришнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш катта аҳамият касб этади. Хошиш маъносини берувчи сўзлар семантикасида миллий маданиятнинг ўзига хослиги, халқнинг миллий анъаналарга хос хусусиятлар акс этади. Шу нуқтаи назардан хошиш-истак маъносини ифодалашда айнан бир сўз ҳар хил маъноларни кучайтириши мумкин. Хусусан, бир тил бирлиги бир халқда ижобий, бошқасида салбий маъноларни беришиши гувоҳи бўлдиқ. Биз инглиз ва ўзбек тилларида хошиш-истак категориясининг миллий-маданий хусусиятларини тадқиқ қилишда фразеологик бирликлардан, айнан мақоллардан фойдаландиқ. Чунки фразеологик бирликлар ўша тилда сўзлашадиган инсонларнинг узоқ ва яқин ўтмиши, урф-одатлари ва ҳозирги яшаш тарзи ҳамда орзу-интилишлари билан узвий боғлиқдир. Қолаверса фразеологик бирликлар миллий-маданий менталитетидан келиб чиққан ҳолда ясалади ва улар қатлами ҳар бир жамият аъзоси онгини шакллантиришда, жамиятнинг миллий-маданий қадриятларини сақлаш ва ифодалашда муҳим ўрин тутди. Айнан фразеологик бирликларда ўша халқнинг миллий – маданий хусусиятлари яққол намоён бўлади. Миллий – маданий хусусиятлар ҳар бир халқнинг ўзига хослигини ифодашини гувоҳи бўлдиқ.

Умумий хулоса

Сўзловчининг ёки гап субъектининг борлиқни амалга оширишга қаратилган турли даражада хиссий бўялган интилиши бўлган хоҳиш тушунчасининг тилдаги ифодасининг тилшунослар томонидан фақатгина баъзи жихатлари ўрганилган. А.Абдурозиқов, И.Хлебникова, В.Хомяков каби тилшуносларнинг хоҳиш маъносига эга тил воситаларини ўрганиш жараёнига қўшган ҳиссаларини тан олган ҳолда уларнинг ишлари биз таҳлил этишга ҳаракат қилган масаланинг айрим жаҳатларинигина кўриб чиқишга бағишланганлигини айтиб ўтиш лозим деб топдик. Шу билан бирга ушбу тилшунослар таҳлил этган тил материали бизнинг тадқиқотимиз ривожига салмоқли ўрин эгаллади.

Мустақил категория сифатида етарли даражада ўрганилмаган инглиз тилидаги хоҳиш категорияси тилнинг морфологик, синтактик, лексик қатламларида ўзининг кенг ифодасини топади. Тадқиқотлар натижасида аниқланишича инглиз тилидаги хоҳиш категориясининг асосларидан бири бўлиб истак майли хизмат қилади. Истак майли тизимига кирувчи аналитик ва синтетик шакллар иш-ҳаракатнинг исталганлиги, унинг содир этилишига нисбатан қайсидир даражадаги хоҳишни ифодалайди.

Хоҳиш маъноси истак майлидан ташқари буйруқ маълида ҳам қатнашиши мумкин. Зеро, ҳар қандай буйруқ, кўрсатма қандайдир иш-ҳаракатнинг содир этилиши, қандайдир вазиятнинг амалга оширилишининг исталганлиги асосидир.

Ушбу категорияни ифодаловчи лексик қатлам от, сифат, феъл ва равиш сўз туркумларига оид содда, ясама ва қўшма сўзлар ҳисобига кенг эканлиги аниқланди. Бунда сўз яшаш жараёнида префиксацияга қараганда суффиксация ҳолати кўп учрайди. Синтактик қатламда хоҳиш категорияси сўз бирикмалари, фразеологик иборалар, матал ва мақоллар воситасида ифодаланиши инглиз тили қонуниятлари асосида амалга оширилади.

Тилга нисбатан структура элементлари ўртасидаги муносабатлар ва

боғлиқликлар тизимига эга бўлган тизимли объект сифатида ёндашув тил бирликларининг функционал ва семантик хусусиятларининг бир-бирига боғлиқлигини тан олишга асосланади.

Тилнинг грамматик ва лексик воситаларини функционал-семантик майдон нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда ўрганиш тил тизимининг турли қатламларига оид бирликларнинг ўзаро муносабатини таърифлашда ёрдам беради.

Инглиз тилидаги хоҳиш категориясини тадқиқ этиш жараёнига майдон ёндашувини қўллаш тил материалини ўрганишни кенгайтириш, морфология, синтаксис ва лексика ўртасидаги қарама-қаршиликларни ечишга ёрдам беради.

Тизимли парадигматик метод асосида ажратилган хоҳиш категориясини ифодаловчи лексик-семантик гуруҳ ўзининг бой таркиби билан уни ташкил этувчи элементлар хоҳиш маъносини турли даражада ифодалаши аниқланди. ЛСГ таркибида қатнашган жами 107 феълдан 14 таси хоҳиш маъносини асосий маъно сифатида ифодалаб гуруҳнинг ядросини шакллантириши аниқланди. Қолган феъллар гуруҳ перифериясини ташкил этди.

Хоҳиш категорияси ундаш семасини ифодаловчи императив воситасида ифодаланиши мумкин. Бунда асосий критерий сифатида императив маъноси таркибида сўзловчининг тингловчи ёки бошқа учинчи шахс томонидан иш-ҳаракатнинг бажарилиши исталганлиги ҳолати олинади.

Инглиз тилида хоҳиш категорияси тилнинг барча қатламларида ўз аксини топиши бу категория қатламлараролик хусусиятига эғалигини исботлади. Айнан шу ҳолат бизда хоҳиш категориясини типологик категория сифатида эътироф этиш учун етарлича асос яратди. Зеро, хоҳиш маъноси нафақат инглиз тилида, балки унга қардош бўлган ва қардош бўлмаган тилларда ҳам ифодаланиши фикримизнинг яна бир тасдиқидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Таълим тўғрисидаги қонун. - Тошкент, 1997.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.- Тошкент, 1997.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. - 2005, 28 январь.
4. Каримов И.А. Биз қуриш, яратиш йўлидан бораверамиз. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси III сессиясидаги сўзлаган нутқи.- 1995, 30 август.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Фан равақисиз буюк давлат қуриб бўлмайдди. Ўз ФА вакиллари билан учрашувида сўзлаган нутқи.- 1995, 2 ноябрь.
7. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилиши маросимида сўзлаган нутқи.- 1993, 3 октябрь.
8. Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси.- Тошкент: Ўқитувчи, 1973.
9. Филология масалалари. Илмий-методик журнал. УзДЖТУ. 2003, 2чи сон.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.- М.:Рус тили, 1981.
11. Абдурашиқов А. Природа, функции и семантика конструкций с глаголом "let" в современном английском языке. Автореф.дисс. ... канд.филол. наук.- Т.: 1990.
12. Англо-русский словарь глагольных словосочетаний.- М.: Русский язык, 1990.

13. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка.- М.: Высшая школа, 1986.
14. Арутюнова Н.Д. О значимых единицах языка// Исследования по общей теории грамматики.- М.,1968.
15. Бархударов Л.С., Штелинг Д.А. Грамматика английского языка.- М.: Высшая школа, 1975.
16. Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков.- М.: Высшая школа, 1983.
17. Бурлакова В.В. Основы структуры словосочетания в современном английском языке.- Л., 1975.
18. Вопросы английской фразеологии.- М.: Изд. МГУ, 1987.
19. Гальперин И.Р., Черкасская Е.Б. Лексикология английского языка.- М., 1956.
20. Гулыга Е.В., Шендельс Е.И. Грамматико-лексические поля в современном немецком языке.- М., 1966.
21. Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка.- М: Высшая школа, 1981.
22. Ильиш Б.А. История английского языка.- Ленинград: Просвещение, 1972.
23. Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление.- Л.,1972.
24. Кубрякова Е.С. Основы морфологического анализа.- М.: Наука, 1974.
25. Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка.- М., 1972.
26. Кунин А.В. Фразеология современного английского языка.-М.: Международные отношения, 1972.
27. Лингвистика и методика в высшей школе.- М.,1974, вып.4.
28. Мюллер. Англо-русский словарь.
29. Натанзон Е.А. Косвенное наклонение и модальные глаголы в английском языке. - М.: Международные отношения, 1968.

30. Полевые структуры в системе языка [З.Попова, И.Стернин, Е.Беляева и др.]. - Воронеж, Изд-во Воронеж. Ун-та, 1989.
31. Понятийные категории и их языковая реализация.- Л.,1989.
32. Проблемы моделирования языка.- Тарту, 1969, ч.2, вып. 3.
33. Расулова М.И. Проблемы лексической категоризации в лингвистике. Автореф. дисс. ... докт.филол.наук. - Т., 1998.
34. Семантико-функциональные поля в лексике и грамматике. Межвуз. сборник научных трудов.- Ленинград: ЛГПИ, 1990.
35. Теоретические основы словосложения и вопросы создания сложных лексических единиц. Межвуз. сборник научных трудов.- Пятигорск, 1988.
36. Убин И.И.Словарь усилительных словосочетаний русского и английского языков.- М., 1987.
37. Филичева Н.И. Синтаксические поля.- М.: Высшая школа, 1977.
38. Функциональная семантика слова.- Свердловск, 1992.
39. Хлебникова И. Сослагательное наклонение в современном английском языке.- М.: Учпедгиз, 1958.
40. Хлебникова И. Сослагательное наклонение в английском языке.- Калинин, 1971.
41. Шур Г.К. Теория поля в современной лингвистике.- М.: Наука, 1974.
42. Baugh AC. A history of the English language.- New York: D.Appleton-Century Company. 1935.
43. Berk LM. English syntax: from word to discourse. - New York: Oxford University Press, 1999.
44. Buranov J, Muminov A. A practical course in English Lexicology.- Tashkent: Ukituvchi, 1980.
45. Fowler HW. A dictionary of Modern English Usage.- Oxford, 1926.
46. Ginzburg RS, Khidekel SS, Knyazeva GY, Sankin SA A course in Modern English Lexicology.- Moscow: Higher school Publishing house, 1966.
47. Gordon EM, Krylova ID. A grammar of present day English.- Moscow:

Vyshaya shkola, 1980.

48. Pyles T, Algeo J. The origin and development of the English language.- London: Harycourt Brace Collge Publishers, 1993.
49. Vallins. The pattern of English.- London: Andre Deutch Ltd., 1956.
50. Carl Sagan. Contact.
51. <http://www.ceafinney.com/subiunctive/experts.html>.
52. <http://www.onestopenglish.com>
53. <http://www.emeraldinsight.com>
54. <http://www.uzsci.net>

